



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 21 октябрь, № 221-222 (7723-7724)

Чоршанба

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 октябрь куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Америка Қўшма Штатлари Куролли кучлари Марказий кўмондонлиги кўмондони генерал Кеннет Маккензини қабул қилди.



Суҳбат чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар ҳамда глобал хатарлар-

га қарши курашиш мавзуларига алоҳида эътибор қаратилди. Афғонистонда тинчлик жараёни кўлаб-қувватлаш ҳамда ушбу мамлакатнинг иқтисодий тикланишига амалий қўмақ

кўрсатиш юзасидан фикр алмашилди. Икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик масалалари ҳам қўриб чиқилди. Генерал Маккензи Ўзбекистон

Республикаси Президентига учрашув учун самимий миннатдорлик билдириб, АҚШ мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни мустақкамлаш, кенг кўламли ҳамкорликни кенгайти-

риш борасида қатъий эканини таъкидлади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Аҳоли бандлиги тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 28 апрелда қабул қилинган Сенат томонидан 2020 йил 7 августда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади аҳоли бандлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқароларига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эллик фуқароларга ва фуқаролари бўлмаган шахсларга, шунингдек мазкур Қонуннинг 17-бобига мувофиқ меҳнат фаолиятига жалб этиладиган чет эллик фуқароларга нисбатан татбиқ этилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари — ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ва иш топишда қийналаётган ҳамда меҳнат бозорига тенг шaroитларда рақобатлаша олмайдиган шахслар;

банд бўлмаган аҳоли (банд бўлмаган шахслар) — ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулота эга бўлмаган шахслар;

«Бандлик хизмати» ахборот тизими — Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнат органларига мурожаат этган жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилган хизматларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган электрон ахборот тизими;

Бўш (вакант) иш ўринлари миллий базаси — Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Ягона миллий меҳнат тизими» идораларо дастурий-аппарат комплексига кирувчи бўш (вакант) иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотларнинг ахборот базаси;

ишсизлик — меҳнат бозорига талабга эга бўлмаган меҳнатга лаёқатли ишчи кучининг мажбурияти;

ишсизлик нафақаси — ишсиз шахсларни давлат томонидан кафолатланган тарзда пул шаклида кўлаб-қувватлаш тури;

иш ўринларини захирга қўйиш — аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш учун ташкилот (иш берувчи) томонидан иш ўринларини ажратиш;

иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмаси — иш берувчиларга иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни ишга жойлаштириш учун талаб этиладиган ташкилий-техник шартларга мувофиқ, муайян сондаги иш ўринларини ташкил этиш учун бериладиган буюртма;

иш ўринларининг энг кам сони — аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш учун ташкилот ходимларининг рўйхатдаги ўртача сонига нисбатан туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарорлари билан фойзаларда белгиланган иш ўринларининг энг кам сони;

иш қидираётган шахс — ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва у ерда иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган шахс;

Касбий малака ва билимларини ривожлантириш миллий тизими — меҳнат бозорининг малакали ходимларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжлари ҳамда малакали ишчи кучига оид тақлифлар таълим ва касбга ўқитиш тизими томонидан мақбул тарзда келишиб олинишни таъминловчи ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан тартибга солиш механизми йиғиндиси;

касбий стандарт — малака ва билимнинг даражасига, меҳнатнинг мазмунига, сифатига ва шарт-шaroитларига доир талабларни белгилайдиган, асосий меҳнат вазибалари тавсифини ва уларни бажариш шартларини ўз ичига олган стандарт;

малака — ходимнинг ёки иш изловчининг тегишли касб (муҳассиллик) бўйича унга меҳнат вазибаларини сифатли бажариш имконини берадиган тайёргарлик даражаси, унинг билми, маҳорат ва қўлқимталар савияси;

малакани баҳолаш — ходим ёки иш изловчи малакасининг касбий стандарт талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш тартиб-таомили;

мақбул келадиган иш — фуқаро бажаришга қодир бўлган, фуқаронинг олган маълумоти йўналиши ва ихтисослигига, малакасига, касбий тайёргарлигига, иш таърибасига, соғлигининг ҳолатига кўра мос келадиган, яшаш жойини ўзгартиришни назарда тулмайдиган, унинг доимий яшаш жойидан унчалик узоқ бўлмаган ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашининг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақини кафолатлайдиган иш;

меҳнат органлари — Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари (бундан буён матнда худудий меҳнат органлари деб юритилади), туманлар (шаҳарлар) аҳоли бандлигига кўмаклашувчи марказлари (бундан буён матнда маҳаллий меҳнат органлари деб юритилади);

меҳнат ресурслари — меҳнатга лаёқатли ёшдаги, меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда банд бўлган, меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта шахслар;

меҳнат ресурслари баланси — меҳнат ресурсларининг сонини ва таркибини, шунингдек уларнинг банд бўлган, банд бўлмаган ва иқтисодий жиҳатдан фол бўлмаган аҳолига тақсимланишини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими;

пенсияолди ёши — шахсининг давлат томонидан белгиланган пенсияга чиқиш ёшидан икки йил олдинги ёшга тўлиши;

ҳақ тўланадиган жамоат ишлари — буюртмачилар-иш берувчилар — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлик субъектлари, бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган, қоида тартибда, дастлабки касбий тайёргарликни талаб қилмайдиган, ижтимоий фойдали йўналишга эга бўлган ҳамда иш қидираётган шахсларнинг ва ишсиз шахсларнинг вақтинча бандлигини таъминлаш учун маҳаллий меҳнат органлари томонидан бериладиган ишга жойлаштиришга доир йўланмалар бўйича бажариладиган вақтинчалик меҳнат фаолияти турлари;

(Давоми 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8-бетларда.)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мухтарам ватандошлар!

Сиз азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни бугунги кутлуғ айём — Ўзбек тили байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. 1989 йил 21 октябрда, гоят мураккаб ижтимоий-сиёсий шароитда юртимизда «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши миллий мустақиллик сари қўйилган муҳим қадам бўлганини барчамиз яхши эслаймиз.

Жамоатчилигимиз, халқимизнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, ўтган йили ушбу тарихий санани Ўзбек тили байрами куни сифатида белгилаш тўғрисида қонун қабул қилганимиздан ҳаммингиз хабардорсиз. Бугун мамлакатимизда биринчи марта кенг нишонланаётган ана шу байрам маънавий ҳаётимиздан мустақкам ва муносиб ўрин олади, деб ишонаман.

Хурматли юрtdошлар!

Бугунги кунда биз янги Ўзбекистонни, янги Ренессанс пойдеворини барпо этишдак эзгу мақсадларимизга эришишда, ҳеч шубҳасиз, она тилимизнинг ҳаётбахш қудратига таянамиз.

Чунки неча асрлар оша аждодларимиздан бизга безавол ўтиб келадиган она тилимизнинг равнақи ва истиқболи ҳақида қайғуриш — бу миллатнинг ўзгичлиги, унинг маънавий камолотини юксалтириш учун кураш демакдир. Давлат тилининг обрў-эътибори — бутун халқ, бутун жамятининг обрў-эътиборидир.

Хозирги вақтда Ер юзида Ўзбек тилида сўзлашувчилар сони қарийб 50 миллион кишини ташкил этишни унинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланб бораётганидан далолат беради.

Айни вақтда юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва эллар-

нинг маданияти ва урф-одатларини, хусусан, уларнинг она тилларини ривожлантириш учун ҳам зарур шароитлар яратилмоқда. Турли ҳудудларда ташкил этилган 140 га яқин миллий маданият марказлари ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Кўплаб таълим-тарбия масканлари, оммавий ахборот воситалари ўзбек тили билан бирга, қорақалпоқ, рус, қозок, қирғиз, тожик, туркман тилларида фаолият кўрсатмоқда. Хорижий тилларга ихтисослашган ҳамда таълим чет тилларда олиб бориладиган таълим муассасалари сони ошиб бормоқда.

Бугунги кунда хорижий давлатлардаги 65 та олий ўқув юртида ўзбек тили ва адабиёти ўрганилмоқда, ушбу соҳада илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бораётган чет эллик олимлар сафи тобора кенгаймоқда.

Куни кеча Афғонистон Ислам Республикасида Ўзбек тили кунига бағишланган байрам тадбирлари биринчи марта давлат миқёсида нишонланганини мамлакатимиз жамоатчилиги, бутун ўзбек халқи катта манмуният ва хурсандчилик билан олқишлади.

Фурсатдан фойдаланиб, қардош Афғонистон давлати раҳбариятига ўзбек тилига расмий тил мақомини бериб, унга кўрсатаётган юксак эътибор ва ҳурмати учун яна бир бор чин дилдан миннатдорлик билдираман. Бу кўхна заминда яшаётган барча миллатдошларимизни бугунги кутлуғ байрам билан эл-юртимиз номидан самимий муборакбод этаман.

Мухтарам юрtdошлар!

Мамлакатимизда ўзбек тилини замон талаблари асосида ривожлантириш, унинг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини янада мустақкамлаш борасида олдимизда катта ва масъулятли вазифалар турбиди.

Хозирги кунда мамлакатимизда яшаётган, Ўзбекистонимизни ягона ва аҳил оила деб биладиган турли миллат ва эллар вакиллари ҳам ўзбек

Шу мақсадда «Давлат тили ҳақида»ги қонун лойиҳасининг янги таҳрири ҳамда шу муносабат билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳалари тайёрланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қўриб чиқиш учун киритилди.

Хабарингиз бор, куни кеча «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони имзоланди.

Фармонга мувофиқ, ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келадиган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий аънана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, Ўзбекистондаги миллат ва элларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шaroитлар яратиш, тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва истиқболдаги вазифалар белгилаб берилди.

Фармон ижросини таъминлаш учун давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, sanoat, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, тиббиёт соҳаларида, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар ва ҳарбий муассасалар фаолиятида тўлиқ давлат тилида иш юриши бўйича бошланган ишларни тизимли асосда давом эттириш керак.

Шунингдек, ўзбек тилининг жаҳон maidонига, хусусан, Интернет ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, она тилимизда

тилини ўрганишга катта қизиқиш ва истак билдираётганлари айниқса эътиборлидир.

Шу муносабат билан бу борада мотивация омилларини кучайтириш, махсус дарслик, луғат ва қўлланмалар, видео ва аудиоматериаллар, замонавий ўқитиш услубларини кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги глобаллашган дунёда тилларнинг бир-бирига ўзаро таъсири, жумладан, четдан сўз қабул қилиш кўлами ва суръати ортиб бормоқда. Афсуски, юртимизда бу жараён аниқ тизим ва илмий ёндашувларсиз юз бераётганини тан олган ҳолда, маъжуд ҳолатни бартараф этиш учун таъсирчан чоралар қўриш лозим.

Айни вақтда ўзбек тили алоҳида фан сифатида ўқитилаётган хорижий университет ва марказлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилди, улар учун ўқув адабиётлари яратиш борасида ҳам фаол иш олиб боришимиз лозим.

Жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиётининг сара намуналарини чет тилларга таржима қилиш ва нашр этиш, бу йўналишда шаклланган ижодий мактабларни ривожлантириш, юқори малакали таржимон-адилблар ҳамда мутахассисларни тайёрлаш ишларига жиддий эътибор қаратишимиз даркор.

Мамлакатимизда «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари», «Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари», «Биринчи китобим», «Жаҳон адабиёти дурдоналари» каби серияларни нашр этиш бўйича бошланган ишларни тизимли асосда давом эттириш керак.

Шунингдек, ўзбек тилининг жаҳон maidонига, хусусан, Интернет ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, она тилимизда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси 2020 йил 21 октябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади. Ялпи мажлис видеоконференцолақ шаклида ўтказилади.

Олий Мажлис Сенати

ПАРЛАМЕНТ СЎРОВЛАРИ НАТИЖАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни парламент юқори палатаси Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлиса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси 2020 йил 21 октябрь куни қақриш тўғрисида қарор қабул қилди.

Видеоконференцолақ тарзида ўтказиладиган ялпи мажлисда бир қатор масалалар қўриб чиқиши режалаштирилган.

«Қўлматбохо металллар ва қимматбахо тошлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТИЛ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келадиган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий аънана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, Ўзбекистондаги миллат ва элларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шaroитлар яратиш, тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва вазифаларини ҳамда истиқболдаги бошқичларини белгилаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил

21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маъкеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон Фармони мувофиқ:

1. Қуйидагилар:
а) 2020 — 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини тақомиллаштириш концепцияси (кейинги йилларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унда қуйидагилар назарда тутилсин:

мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш;

(Давоми 9-бетда.)



Аҳоли бандлиги тўғрисида

(**Давоми. Бошланиши 1-бетда.**)

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси – меҳнат бозори ва бандлик, меҳнат ресурслари баланси, ташкил этилаётган иш ўринлари ҳақидаги ҳолис, мунтазам янгилаб бориладиган маълумотлар базасини ўз ичига олган, иш бевуχνилар ва ходимларга меҳнат муносабатларини электрон шаклда расмийлаштириш, ишга жойлашадиган шахсга доир тарихи, бўш (вакант) иш ўринлари, ходимларнинг сон ва сифат тарҳиби тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ҳамда сақлаш учун майдонча тақдим этадиган электрон ахборот тизими.

4-модда. Бандлик

Бандлик фуқароларнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қаноатлантириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятдир.

Фуқароларга ўзининг ишлаб чиқаришга ва ижодий меҳнатга доир қобилиятларидан фойдаланиш ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган, шу жумладан ҳақ тўланадиган ишни бажариш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш бўйича мутлақ ҳуқуқ тегишлидир.

Кўйдаги фуқаролар банд деб ҳисобланади: меҳнат шартномаси бўйича ҳақ эвазига тўлиқ ёки тўлиқсиз иш вақти шартлари асосида ишлаётган ёхуд касаначилик билан шуғулланаётган, шунингдек ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар; касаллиғи, таътилда бўлиши, касбга тайёрлашда, қайта тайёрлашда ёки малака оширишда эканлиғи, ишлаб чиқариш тўхтатиб турилганлиғи муносабати билан, шунингдек қонун ҳужжатлариغا мувофиқ вақтинча иш жойида бўлмаган ходимнинг иш ўрни сақланиб қоладиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойида бўлмаган фуқаролар;

ҳақ тўланадиган лавозимга сайланган ёки тайинланган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиғи, Ички ишлар вазирлиғи, Факулодада вазиятлар вазирлиғи, Миллий гардияси, Давлат хавфсизлик хизмати тизимида, боғжона органларида ва бошқа ҳарбий хизмат назарда тутилган идораларда хизматни ўтаётган фуқаролар;

ўзини иш билан мустакил равишда таъминлаётган фуқаролар, шу жумладан хунармандлар, оилавий корхоналарнинг иштирокчилари, деҳқон ҳўжалиklarининг, ишлаб чиқариш кооперативларининг аъзолари, фермер ҳўжалиklarининг аъзолари, ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида рўйхатга олинган шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) бўйича, шу жумладан фуқаровий-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни амалга оширувчи бошқа шахслар;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар;

ўз фаолиятини қонун ҳужжатлариغا мувофиқ амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотларида, шу жумладан диний ташкилотларда ишлаётган фуқаролар.

5-модда. Аҳоли бандлиги соҳасидаги асосий принциплар

Аҳоли бандлиги соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат:

бандлик турини танлашнинг ихтиёрийлиги ва эркинлиғи; аҳоли бандлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; камситишга йўл қўйилмаслиғи; шаффоқлик ва очиклик; ишсизликдан ҳимоя қилиш ва ишга жойлашишда, касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ҳамда малака оширишдан ўтишда қўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш, мустакил иш излаш ва ишга жойлашиш учун ҳуқуқни таъминлаш;

касб эгаллаш ва ишга киришдаги, меҳнат қилиш ва бандликни таъминлаш шaroитларидаги, меҳнатга ҳақ тўлашдаги, хизмат поғоналари бўйича қўриқилишдаги имкониятлар тенглигининг қафолати;

мажбурий меҳнатни тақиқлаш, яъни бирон-бир жазо қўллаш таҳдиди билан иш бажаришга мажбурлашни тақиқлаш.

2-бoб. Аҳоли бандлиги соҳасини тартибга солиш

6-модда. Аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш, шу жумладан иш ўринларини ташкил этишга доир давлат бюoртмасини ҳамда иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ҳамда уларнинг малакасини оширишга доир давлат бюoртмасини шакллантириш орқали қўмаклашиш; ишсиз шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, ишсизликни камайитириш чораларини кўриш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштиришга қўмаклашиш; ёшларни, айниқса қишлоқ жойлардаги ёшларни, умумий ўрта ва ўрта махусу таълим ташкилотлари, касб-хунар мактаблари, касб-хунар коллежлари, техникумлар, олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш;

аҳоли бандлиги соҳасида замонавий касбий стандартларни жорий этиш, меҳнатни нормалаштириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш механизмларини такомиллаштириш;

аҳоли бандлиги соҳасида аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда имкониятларни таъминлаш; ишга жойлаштириш жараёнлариغا илғор ахборот технологияларини жорий этиш, аҳолининг ишга жойлашишига қўмаклашиш бўйича хизматлар бозорида замонавий инфратузилмани ва рақобат муҳитини яратиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишга жойлашишида қўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳоли бандлиги соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: аҳоли бандлиги соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

аҳоли бандлигига қўмаклашиш, шунингдек ишга жойлашишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими самарали ишланиши таъминлаш бўйича чоралар кўради;

аҳоли даромадлларининг ўсишини таъминлайдиган муносиб, умумли ва махсуддор бандликни рағбатлантириш бўйича чораларни амалга оширади;

ишга жойлаштиришнинг илгор шаклларини жорий этиш бўйича давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг иштни мувофиқлаштиради;

моддий рағбатлантириш механизмларини ва меҳнат шaroитларини яхшилаш чораларини кўради;

аҳоли бандлиги соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатлариға мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Аҳоли бандлиги соҳасидаги ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиғи аҳоли бандлиги соҳасидаги ваколатли давлат органидир.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиғи:

аҳоли бандлиги соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

аҳоли бандлиги соҳасида давлат бошқаруви органларининг ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни ишга жойлаштириш, шунингдек аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш жараёнлари мониторингини амалга оширади; тармоқлар ва худудлар кесимида иш ўринларини ташкил этишга доир ҳар йилги давлат бюoртмасини шакллантиради;

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Аҳоли бандлиги тўғрисида

1-модда. Аҳоли бандлиги тўғрисида

иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ҳамда уларнинг малакасини оширишга доир ҳар йилги давлат бюoртмасини шакллантиради;

фуқароларга Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишга жойлашишда қўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини, шунингдек Ўзбекистон Республикасига қайтиб келганидан кейин реинтеграция қилинишини таъминлаш бўйича чораларни амалга оширади;

аҳоли бандлиги масалалари юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва маҳаллий меҳнат органларига услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатади;

ишга жойлашшга муҳтож бўлган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиради;

ишга жойлаштириш жараёнлариға илғор ахборот технологияларини жорий этади, «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексининг ишланиши таъминлайди;

аҳоли бандлигига қўмаклашиш бўйича хизматлар бозорида замонавий инфратузилмани ва рақобат муҳитини яратади;

Тасдиқланган малакага эга бўлган шахсларнинг миллий реестрини, Касбий стандартларнинг миллий реестрини, Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг ягона реестрини, Аккредитация қилинган малакани баҳолаш марказларининг реестрини шакллантиради ҳамда юратади;

аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

аҳоли бандлиги соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиғи қонун ҳужжатлариға мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташки меҳнат миграцияси агентлигининг аҳоли бандлиги соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиғи ҳузуридаги Ташки меҳнат миграцияси агентлиги (бундан буён матнда Ташки меҳнат миграцияси агентлиги деб юритилади): меҳнат мигрантларини жалб қилиш учун ўз мамлакатининг ваколатли органларида расман рўйхатга олинган ёки аккредитациядан ўтказилган чет эл иш бевуχνилари билан битимлар тузади;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун фуқароларни уюшган ҳолда ишга қабул қилиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун чет эл иш бевуχνилари билан шартномалар тузади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишга жойлаштириш шарт-шaroитлари мониторингини ва назоратини амалга оширади; меҳнат мигрантлари ишга жойлаштириладиган давлатда уларга ходимларнинг тегишли тоифаси учун белгиланган иш ҳақидан кам бўлмаган даражада иш ҳақини таъминлаш нормаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади; ишга жойлаштирилмадиган давлатда белгиланган муносиб яшаш ва ишлаш шарт-шaroитларини таъминлаш нормаларига риоя этилиши юзасидан мониторингини амалга оширади.

Ташки меҳнат миграцияси агентлиғи қонун ҳужжатлариға мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Худудий ва маҳаллий меҳнат органларининг аҳоли бандлиги соҳасидаги ваколатлари

Худудий меҳнат органлари:

тегишли худудда давлат бошқаруви органларининг ва бошқа ташкилотларнинг аҳоли бандлиги соҳасидаги фаолиятини ҳамда ҳамкорлигини мувофиқлаштиради;

аҳоли бандлигига қўмаклашишга доир худудий дастурларинг бажарилиши юзасидан мониторингини, иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни ишга жойлаштириш, шунингдек аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш жараёнлари мониторингини амалга оширади;

тегишли худудда тармоқлар ва туманлар (шаҳарлар) кесимида иш ўринларини ташкил этишга доир ҳар йилги давлат бюoртмасини шакллантиради;

тегишли худудда иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир ҳар йилги давлат бюoртмасини шакллантиради;

аҳоли бандлиги масалалари юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва маҳаллий меҳнат органларига услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатади;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиғи тузилмасига қирадиган ишсиз шахсларни ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш марказларига, «Ишга марҳамат» мономарказларига (бундан буён матнда касбга ўқитиш марказлари деб юритилади), бошқа ўқув муассасаларига, ташкилотларга, шу жумладан белгиланган тартибда аккредитация қилинган нодавлат касб-хунар таълими муассасаларига (бундан буён матнда касб-хунар таълими муассасалари деб юритилади) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда грантлар ажратади; тегишли худудда аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Маҳаллий меҳнат органлари:

иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни ишга жойлаштириш, шунингдек аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш юзасидан чоралар кўради; иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш учун касбга ўқитиш марказлари (касб-хунар таълими муассасалари) билан тўғридан-тўғри шартномалар тузади;

иш қидираётган шахсларни рўйхатга олади, уларни ишсиз шахслар деб эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилади, уларга ёрдам кўрсатади, ишсиз шахсларга ишсизлик нафақаларини тайинлайди ҳамда тўлайди;

аҳоли бандлигига қўмаклашишга доир худудий дастурлари ишлаб чиқши ва амалга оширишда иштирок этади, уларнинг бажарилиши юзасидан мониторингини амалга оширади;

ташкилотлар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида тақлифлар ишлаб чиқади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қўриб чиқши учун киритади, шунингдек аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларидан бўлган шахсларни захирага қўйиладиган иш ўринларига ишга жойлаштириш учун ташкилотларга юборади;

иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига белгиланган тартибда юборади; юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда субсидиялар тайинлайди;

касбга ўқитиш марказларига (касб-хунар таълими муассасаларига) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда грантлар ажратши учун талабномалар шакллантиради;

комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан аҳоли бандлиги соҳасида ҳамкорлик қилади;

иш ўринларини ташкил этишга доир давлат бюoртмаси бажарилиши мониторингини амалга оширади;

тегишли худудда иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишга доир ҳар йилги давлат бюoртмасини амалга оширишда иштирок этади;

қоворкинг-марказларининг ва маҳаллий меҳнат органлари ҳузуридаги «Меҳнат гузар»и ишсиз аҳоли бандлигига қўмаклашиш маҳалла марказларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

туманлар (шаҳарлар) хокимларининг иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича қарорлари бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

11-модда. Давлат бошқаруви органларининг аҳоли бандлиги соҳасидаги ваколатлари

Давлат бошқаруви органлари: меҳнат бозорини ривожлантиришни, аҳоли бандлигини таъминлайдиган тузилмавий, молиявий, кредит, инвестицияга оид ва солиқ сиёсатини амалга оширишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

меҳнат бозори ва аҳоли бандлигига оид таҳлилий тадқиқотларни, прогнозлашни, бу соҳадаги давлат статистика хисобини ва хисоботини амалга оширади;

аҳоли бандлиги соҳасидаги тармоқ дастурларини, янги ишлаб чиқариш қувватларини ва иш ўринларини ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

тегишли давлат қафолатларини, шунингдек фуқароларнинг аҳоли бандлиги соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди;

қўшимча иш ўринлари ташкил этилишиға, меҳнат шaroитлари яхшилалишиға қўмаклашади;

белгиланган тартибда касбий стандартларни ва малака талабларини ишлаб чиқади ҳамда кейинчалик рўйхатдан ўтказиш учун киритади.

Давлат бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12-модда. Маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг аҳоли бандлиги соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари:

тегишли худудда аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини амалга оширади;

аҳоли бандлигига қўмаклашишга доир худудий дастурларни, янги ишлаб чиқариш қувватларини ва иш ўринларини ташкил этишга доир худудий инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлайди;

иш ўринлари ташкил этилишини ва аҳоли бандлигининг ўсишини рағбатлантириш, ишсизлик даражасини камайитири, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

аҳоли бандлигига қўмаклашишга доир дастурлар прогноз параметрларининг бажарилишини таъминлайди; янги иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш бўйича худудий жамғармалар фаолиятини бошқаришни амалга оширади, шу жумладан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларида кредит линияларини очиш чораларини кўради;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкилотларни ташкил этади;

оилавий тадбиркорликни, хунармандчиликни, шахсий томорқа ҳўжалиklarидаги қишлоқ ҳўжалиғи ишлаб чиқаришларини, касаначиликни ривожлантиришга қўмаклашади;

умумий ўрта ва ўрта махусу таълим ташкилотлари, касб-хунар мактаблари, касб-хунар коллежлари, техникумлар, олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича чоралар кўради;

энг кам иш ўринлари сонини белгилайди;

меҳнат бозорини барқарорлаштиришга, шу жумладан ходимларнинг оммавий равишда ишдан озод этилишининг олдини олишга, устувор ривожлантириш худудларини аниқлашга қўмаклашадиган тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатлариға мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13-модда. Иш бевуχνиларини аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиши

Ўзбекистон Республикасида иш бевуχνилар аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда қуйидагилар орқали иштирок этади:

иш ўринларини захирага қўйиш ҳамда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини захирага қўйилган иш ўринларига ишга жойлаштириш;

бўш (вакант) иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойда, шунингдек ходимларнинг ишдан бўлуғси озод этилиши тўғрисидаги ахборотни ҳар бир ходимни кўрсатган ҳолда, улар ишдан озод этилишидан камида икки ой олдин худудий меҳнат органларига тақдим этиш;

меҳнат муносабатларини тартибга солувчи шартномалар ва келишувлар шартларини бажариш;

ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш учун шaroитлар яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармасига ижтимоий солиқни тўлаш орқали молиявий ажратмалар ажратиш;

аҳоли бандлигига қўмаклашишга доир дастурларни амалга оширишда иштирок этиш;

иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун маблағларнинг ўринни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиғи ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига ҳисобидан тўлиқ ёки қисман қолган ҳолда жалб этиш.

Бўш (вакант) иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни иш бевуχνи томонидан маҳаллий меҳнат органиға ҳар бир ҳисобот ойининг охиридаги ҳолатга қўра электрон тарзда ёки қоғозда тақдим этилади. Бўш (вакант) иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар Бўш (вакант) иш ўринлари миллий базасига киритилади. Маълумотлар қоғозда тақдим этилганда, улар иш бевуχνининг ваколатли мансабдор шахси томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Аҳоли бандлиги тўғрисида

(**Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда**).

4-боб. Иш ўринларини ташкил этишга доир давлат бюортмаси

22-модда. Иш ўринларини ташкил этишга доир давлат бюортмасини шакллантириш

Иш ўринларини ташкил этишга доир давлат бюортмаси Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига, ҳудудларни комплекс ривожлантиришга доир дастурларга ва модернизация қилишга доир тармок дастурларига (бундан буюн матнда ривожлантириш дастурлари деб юритилади) киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган иш ўринлари сонининг давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тайёрланган прогнози асосида шакллантирилади.

Келгуси йил учун иш ўринларини ташкил этишга доир давлат бюортмаси ривожлантиришга доир дастурларнинг аниқ йўналтирилган қисмига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун, шунингдек ишсиз шахсларнинг ва банд бўлмаган шахсларнинг ишга жойлаштирилиши таъминлаш учун меҳнат ресурсларини жалб этиш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

Иш ўринларини ташкил этишга доир давлат бюортмаси ривожланиш дастурларига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида молиялаштириш манбалари билан таъминланиши, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари, жалб этилган чет эл инвестициялари, тижорат банкларининг кредитлари, ташкилотларнинг ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан таъминланиши керак.

23-модда. Иш ўринларини ташкил этишга доир давлат бюортмасини шакллантириш тартиби

Ташкилотлар ривожлантириш дастурлари амалга оширилишининг жорий ҳолатини ва истиқболларини таҳлил қилиш натижалари асосида юқори турувчи давлат бошқаруви органларига ҳамда бошқа ташкилотларга иш ўринларини ташкил этишга бўлган эҳтиёжнинг дастлабки параметрларини ҳар йили 1 октябрга қадар тақдим этади.

Иш ўринларини ташкил этишга бўлган эҳтиёжнинг дастлабки параметрлари:

янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиши ёки фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилиши; хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси янги объектларининг ишга туширилиши, янги ўй-жой, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объеклари қурилиши; қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмларининг кенгайтирилиши; аҳоли тадбиркорлик фаолиятининг ўсиши ва янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиши;

хусусийлаштирилган ташкилотларни ривожлантиришга доир инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши муносабати билан зарур иш ўринлари сонини аниқлаш асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Маҳаллий ижро ҳўқимияти органлари иш ўринларини ташкил этишга доир давлат бюортмасини ривожлантириш дастурларидан келиб чиққан ҳолда шакллантиради. Иш ўринларини ташкил этишга бўлган эҳтиёжнинг дастлабки параметрлари маҳаллий давлат ҳўқимияти органлари томонидан шакллантирилади, аниқлаштирилади ва тасдиқланади.

Иш ўринларини ташкил этишга доир давлат бюортмасини маҳаллий ижро ҳўқимияти органлари томонидан шакллантириш тегишли ҳудудда Фаолият кўрсатаётган ташкилотларнинг ишлаб чиқариш (товарлар, ишлар, хизматлар) ҳажмини кенгайтириш ва кўпайтириш учун қадрларга бўлган эҳтиёж таҳлили асосида амалга оширилади.

Давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек маҳаллий ижро ҳўқимияти органлари иш ўринларини ташкил этишга бўлган эҳтиёжнинг дастлабки параметрлари асосида иш ўринларини ташкил этишга доир давлат бюортмасини ҳар йили 1 ноябрдан кечиктирмай кўриб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда уни Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастури лойиҳасига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазиригига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазиригига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилик ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазириги иш ўринларини ташкил этишга доир давлат бюортмасининг ҳар йили 20 ноябрга қадар кўриб чиқилишини ва Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастури лойиҳасига киритилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилиги Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастури лойиҳасини ҳар йили 1 декабрдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

24-модда. Давлат бюортмасига мувофиқ иш ўринлари ташкил этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Иш ўринларини ташкил этишга доир давлат бюортмасини олган ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан ссуда ажратилиши мумкин.

Ссуда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазириги томонидан уч йилгача бўлган мuddатда, миллий валютادا берилади.

Ссуда миждори иш ўринларини ташкил этишга доир давлат бюортмаси дастурига кўра ташкил этиладиган битта иш ўрни учун ҳисобланган базавий ҳисоблаш миждорининг эллик бараваридан ошиб кетиши мумкин эмас.

Ссуда ажратилиши учун ташкилот:

иш ўринларини ташкил этишга доир давлат бюортмаси дастурига, шунингдек аҳоли бандлигига кўмаклашиш ҳудудий дастурларига киритилган бўлиши;

солик бўйича қарздорликка, тижорат банкларининг кредитлари бўйича кечиктирилган қарздорликка эга бўлмаслиги керак.

Ссуда ажратилиши тўғрисидаги қарорни тайёрлаш учун ташкилот Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазиригига қуйдаги ҳужжатларни тақдим этади:

ссуда олиш учун аризани; ссуда берилиши мақсадга мувофиқлигининг техник-иқтисодий асоси ва унинг қайтарилиши кафолатларини; ссуданинг қайтарилиш таъминоти, шу жумладан гаров, кафилиқ, банк кафолати ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турини.

Тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилиги ссуда ажратиш ҳақида ёки уни ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ссуда олишга доир имтиёзли ҳуқўқ банд бўлмаган шахслар учун иш ўринларини ташкил этаётган, шунингдек ишсизлик даражаси барқарор тарзда юқори бўлган ҳудудларда фаолият кўрсатаётган ташкилотларга берилади.

5-боб. Маҳаллий меҳнат органлари томонидан иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга хизматлар кўрсатиш

25-модда. Маҳаллий меҳнат органлари томонидан иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга кўрсатиладиган хизматлар турлари

Маҳаллий меҳнат органлари томонидан иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга уларнинг хоҳишига кўра хизматларнинг қуйдаги турлари тақлиф этилади:

аҳоли бандлиги масалалари бўйича маслаҳатлар бериш; мурожаат этган шахснинг касбий тайёргарлигига, иш тажрибасига ва меҳнат стажига, ёшига, соғлигининг ҳолатига мувофиқ мақбул келадиган ишни тақлиф этиш (мавжуд бўлган тақдирда), шунингдек Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун фуқароларни уюшган ҳолда ишга қабул қилиш доирасида мақбул келадиган ишни излаш;

захирага қўйиладиган иш ўринларига ишга жойлаштириш; Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазиригига ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ёки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юбориш; тадбиркорликка жалб этиш, ўзини ўзи мустакил равишда банд қилишни ривожлантиришга доир фаолиятни ташкил этиш орқали бандликка кўмаклашиш;

касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва малака оширишга юбориш;

касбий малакани баҳолаш;

аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга микрокредитлар олиш учун тавсиялар бериш.

Маҳаллий меҳнат органлари иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги хизматларни ҳам кўрсатиши мумкин.

Аҳолига, ташкилотларга ва бошқа иш берувчиларга меҳнат органлари томонидан кўрсатиладиган, шу жумладан меҳнат бозори

ҳолати ҳақида хабардор қилиш бўйича хизматлар бепул тақдим этилади.

26-модда. Иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга хизматлар кўрсатувчи маҳаллий меҳнат органлари ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга хизматлар кўрсатувчи маҳаллий меҳнат органи ходимлари қуйдаги ҳуқуқларга эга:

иш қидираётган шахслардан ва ишсиз шахслардан уларнинг аввалги меҳнат фаолиятига, маълумотига, оилавий ҳволига, даромадлари (яшаш учун маблағлари) манбаларига тааллуқли маълумотларни ҳамда маҳаллий меҳнат органининг ушбу шахсларга нисбатан қабул қилинадиган қарорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни сўраб олиш; иш қидираётган шахс ва ишсиз шахс томонидан тақдим этилган, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлашга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маълумотларнинг тўғрилиги ҳамда ишончилигини текшириш;

ўз ваколати доирасида мулкчилик шаклидан қатъи назар, ташкилотлардан, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ишсизлик нафақасини олувчи шахсларга тааллуқли маълумотларни сўраб олиш; иш қидираётган шахсининг ва ишсиз шахснинг розилиги билан унинг уй ҳўжалигига банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш мақсадига таарлиф буюриш.

Иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга хизматлар кўрсатувчи маҳаллий меҳнат органининг ходимлари:

иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни тезроқ ишга жойлаштириш, шунингдек уларнинг ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш учун барча сай-ҳаракатларни ишга солиши; маслаҳат олиш учун меҳнат органларига мурожаат этган шахсларни рўйхатга олишни амалга ошириши, «Бандлик хизмати»-ахборот тизимининг зарур рўйхатга олиш ҳамда ҳисобга олиш бўлиmlларини, шунингдек сўровномани ўз вақтида ва тўғри тўлдирishi; шахсга доир маълумотларнинг ва маслаҳат жараёнида олинган маълумотларнинг мақдйиلىгини таъминлаши, улардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши;

иш қидираётган шахслар ва ишсиз шахслар билан белгиланган тартибда мунтазаз учрашувлар (мулоқотлар) ўтказиши шарт.

27-модда. Иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга маслаҳат бериш

Маҳаллий меҳнат органлари ходимлари маслаҳат бериш чоғида иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга:

аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари; бўш (вакант) иш ўринлари мавжудлиги, шу жумладан тегишли ҳудудда жойлашган ташкилотларда бўш (вакант) иш ўринлари мавжудлиги, бўш (вакант) иш ўринларидаги меҳнатга ҳақ тўлаш междори ва бошқа меҳнат шартлари; янгидан ташкил этиладиган иш ўринлари ва ривожлантириш дастурлари;

касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтиш имкониятлари ҳамда шартлари; ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этиш имкониятлари; иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга тақдим этиладиган ижтимоий кафолатлар ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормалари; захирага қўйиладиган иш ўринларига жойлаштириш тартиби; ўзини ўзи банд қилган шахс мақомини олиш тартиби; субсидиялар ва грантлар; хусусий тадбиркорлик ишини ташкил этиш имкониятлари, стартап-лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш чоралари, шунингдек намунавий бизнес-режалар; аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни микрокредитлаш дастурлари;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида уюшган ҳолда ишга олиш бўйича вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш имкониятлари;

хусусий бандлик агентликлари; иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга маҳаллий меҳнат органи томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг бошқа турлари тўғрисида ахборот тақдим этади.

Мурожаат этган шахсга у белгиланган масала бўйича тўлиқ маълумот бериш имкони бўлмаган тақдирда, маҳаллий меҳнат органининг ходими такроран маслаҳат бериш кuni ва вақтини белгилashi керак.

6-боб. Иш қидираётган шахсларни маҳаллий меҳнат органлари томонидан рўйхатга олиш ва ҳисобдан чиқариш

28-модда. Иш қидираётган шахслар сифатида маҳаллий меҳнат органларида рўйхатга олиниши лозим бўлган шахсларнинг тоифалари

Қуйдагилар иш қидираётган шахслар сифатида маҳаллий меҳнат органларида рўйхатга олиниши мумкин: ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, ўн олтй ёшдан катта бўлган шахслар; ўзи билан тузилган меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг тегишли моддаларида кўрсатилган ҳолатлар бўйича бекор қилиниши мумкин бўлган (меҳнат шартномаси келгусида бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантирилган) шахслар;

тиббий-меҳнат эксперт комиссияси ҳулосасига кўра меҳнат фаолиятини амалга ошириш имкониятига эга ногиронлиги бўлган шахслар;

ёшидан қатъи назар, меҳнат фаолиятини қайта тикламоқчи (давом эттирмоқчи) бўлган пенсионерлар; иш жойини ёки касбини ўзгартириши хоҳловчи шахслар; доимий иш жойига эга бўлишни хоҳловчи, бир марталик, вақтинча ва мавсумий ишларда банд бўлган шахслар; ҳақ тўланадиган жамоат ишларида ва қишлоқ ҳўжалигига давсумий ишларда иштирок этишни хоҳловчи шахслар.

Ишга жойлашишга мутожоб бўлган шахсларнинг бошқа тоифалари ҳам иш қидираётган шахслар сифатида маҳаллий меҳнат органларида рўйхатга олиниши мумкин.

29-модда. Иш қидираётган шахсларни рўйхатга олиш тартиби

Иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олиш: қишлоқ жойларда – маҳаллий меҳнат органининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор ҳудудига, иш қидираётган шахснинг яшаш жойидаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудига бириктирилган ходими томонидан; агар иш қидираётган шахс маҳаллий меҳнат органи жойлашган аҳоли пункти ҳудудида яшаётган бўлса – ишсиз шахсларни ҳисобга олиш, ишга жойлаштириш ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш сектори ходими томонидан амалга оширилади.

Иш қидираётган шахслар маҳаллий меҳнат органи ходимига қуйдаги ҳужжатларни тақдим этади:

паспортини ёки унинг ўрнини босувчи ва шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни;

меҳнат дафтарчасини ёки меҳнат стажини тасдиқловчи бошқа ҳужжати, бундан биринчи марта иш қидираётган шахслар мустасно; маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг аслини ёки унинг кўчирма нусخасини (маълумот мавжуд бўлган тақдирда);

касби ёки касбий малакаси мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатни ёки унинг кўчирма нусхасини (касби ёки касбий малакаси мавжуд бўлган тақдирда); иш жойидан охиригй ўн икки ой учун иш ҳақи (меҳнат даромади, пул таъминоти) тўғрисидаги маълумотномани – илгари ишлаган шахслар, шу жумладан жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар учун.

Зарур бўлганда, маҳаллий меҳнат органи ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда сўровнома юбориши, шу жумладан электрон ҳужжат айланмишдан фойдаланган ҳолда юбориши мумкин:

тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларга – тавсия этилаётган меҳнатнинг хусусияти ва шартлари тўғрисида ҳулоса олиш учун (ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан);

соғлиқни сақлаш муассасаларига – тиббий ҳулосалар ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлари олиш учун (соғлигининг ҳолатига кўра меҳнат фаолиятида чекловлар мавжуд бўлган шахсларга нисбатан);

жазони ижро этиш муассасаларига – шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганлиги тўғрисида маълумотнома олиш учун (жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга нисбатан);

фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига – болаларининг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг кўчирма нусхаларини олиш учун (қарамоғида болалари бўлган шахсларга нисбатан);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазиригига ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлиmlларига – боқимандалар мавжудлиги ҳамда қонун

ҳужжатларида белгиланган нафақа ва пенсияларни олмаётганлиги тўғрисида маълумотнома олиш учун (болаларидан ташқари бошқа боқимандалари бўлган шахсларга нисбатан).

Зарур бўлганда, маҳаллий меҳнат органи мурожаат этган шахс ҳақиқатан фермер (деҳқон) ҳўжалиги азоси эканлиги тўғрисида Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашидан ахборот сўраб олиши мумкин.

30-модда. Иш қидираётган шахсларни ҳисобдан чиқариш

Иш қидираётган шахс маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн кун ичида қуйдаги ҳолларда ҳисобдан чиқарилиши мумкин:

ишга жойлашганда;

ушбу Қонун 19-моддасининг учинчи ва бешинчи қисmlларида назарда тутилган субсидиялар олганда;

Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан микрокредитлар олинганда;

касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ёки малака оширишга юборилганда;

ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олинганда; доимий яшаш учун бошқа жойга кўчиб ўтганда; маҳаллий меҳнат органига узрли сабабсиз келмаганда;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширганда;

иш қидираётган шахс мақбул келадиган ишга доир тақлифларни мунтазаз равишда (икки мартадан кўп) рад этганда;

иш қидираётган шахс сифатида гайриқонуний рўйхатдан ўтиш факти аниқланганда;

суднинг озодликдан маҳрум этиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазони назарда тутувчи ҳукми қонуний кўчига кирганда; мuddатли ҳарбий хизматга чақирилганда;

иш қидираётган шахсни ишга жойлаштириш бўйича иш олиб бориш имкони берамйдиган бошқа ҳолатлар юзга келганда;

иш қидираётган шахс вафот этганда.

Ушбу модда биринчи қисмининг тўққизинчи – ўн биринчи ва ўн тўртинчи хатбошиларига назарда тутилган асосларга кўра ҳисобдан чиқарилган шахслар, улар маҳаллий меҳнат органида ҳисобдан чиқарилган кундан эътиборан ўттиз календар кун ўтган, иш қидираётган шахслар сифатида такроран рўйхатдан ўтиш ҳуққига эга.

Иш қидираётган шахсни маҳаллий меҳнат органида ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги маълумотлар «Бандлик хизмати» ахборот тизимига киритилади.

7-боб. Иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш

31-модда. Иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш шартлари

Маҳаллий меҳнат органларида иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга олинган шахсларни ишга жойлаштириш маҳаллий меҳнат органлари томонидан ушбу Қонуннинг 32 ва 34-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Алоҳида ҳолларда, иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бошқа туманлар (шаҳарлар) ҳудудида жойлашган ташкилотларда, агар ушбу ташкилотлар транспорт қулайлиги доирасида жойлашган бўлса, амалга оширилиши мумкин.

Мақбул келадиган ишга доир тақлифини сони, даврийлиги ва мuddатлари ҳамда иш қидираётган шахсга ишга жойлашиш учун йўланмалар бериш чекланмайди.

Маҳаллий меҳнат органи иш қидираётган шахсга бўш (вакант) иш ўринлари кўпайишига қараб, у ишга жойлашгунига ёки ҳисобдан чиқарилгунига қадар мақбул келадиган ишни тақлиф этиши шарт.

32-модда. Иш қидираётган шахсларга ишга жойлаштиришга доир йўланма ва ишга жойлашишга кўмаклашиш юзасидан мурожаатнома бериш тартиби

Бўш (вакант) иш ўринлари ва иш қидираётган шахснинг мақбул келадиган ишга жойлаштириш тўғрисидаги тақлифга розилиги мавжуд бўлган тақдирда, маҳаллий меҳнат органи ходими унга:

давлат ташкилотларига, давлат улуши эллик фоиз ва ундан юқори бўлган ташкилотларга, шунингдек мулкчиликнинг нодавлат шаклига эга ташкилотларга, тадбиркорлик субъектларига захирага қўйиладиган иш ўринларига – ишга жойлаштиришга доир йўланма;

мулкчиликнинг нодавлат шаклига эга ташкилотларга, тадбиркорлик субъектларига – ишга жойлашишга кўмаклашиш юзасидан мурожаатнома беради.

Ишга жойлаштиришга доир йўланма ва ишга жойлашишга кўмаклашиш юзасидан мурожаатнома, қоида тариқасида, маҳаллий меҳнат органининг директори ёки директор ўринбосари томонидан ёҳуд комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторга бириктирилган ходим томонидан имзоланади.

Ишга жойлаштиришга доир йўланма ва ишга жойлашишга кўмаклашиш юзасидан мурожаатнома иш берувчига электрон тарзда, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, шунингдек «Бандлик хизмати» ахборот тизими орқали юборилиши мумкин.

33-модда. Мақбул келадиган иш

Дастлабки касбий тайёргарликни талаб қилмайдиган

Аҳоли бандлиги тўғрисида

(**Давоми. Бошланиши 1, 2, 3-бетларда.**)

умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини, касб-хўнар мактабларини, касб-хўнар коллежларини ҳамда техникумларни тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар;
«Меҳрибонлик» уйларининг битирувчилари, шунингдек олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Миллий гвардиясининг, Давлат хавфсизлик хизматининг қўшинларидаги мuddатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар;
ноғиронлиги бўлган шахслар;
пенсияюлди ёшдаги шахслар;
жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар;
одам савдосидан жабрланганлар;
одам ҳужжатларига мувофиқ бошқа шахслар.
Иш берувчи ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган, заҳирага қўйилган иш ўринларига ишга жойлаштириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий меҳнат органлари ва бошқа органлар томонидан юбориладиган шахсларни ишга қабул қилиши шарт.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларни ишга қабул қилишни асосиз равишда рад этган иш берувчи ва у ваколат берган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Қўшимча кафолатлар қўшимча иш ўринларини, ихтисослаштирилган ташкилотларни, шу жумладан ноғиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан фойдаланиш асосидаги ташкилотларни ташкил этиш, ўқитишнинг махсус дастурларини ишлаб чиқиш, ташкилотларга иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш йўли билан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар орқали таъминланади.

39-модда. Иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва иш ўринларини заҳирага қўйиш

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш мақсадида туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари томонидан иш ўринларининг энг кам сони белгиланади, ташкилотлар томонидан эса иш ўринлари заҳирага қўйилади.

Иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ходимларининг рўйхатдаги ўртача сони йигирма нафар кишидан орტიқчи ташкил этидиган ташкилотлар учун назарда тутилади.

Туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарорларига мувофиқ белгиланадиган иш ўринлари энг кам сонининг жами сони ташкилотнинг рўйхатдаги ходимлари ўртача сонининг етти фоиздан орტიқни (шу жумладан ноғиронлиги бўлган шахслар учун уч фоиздан камини) ташкил этиши мумкин эмас.

Ходимларининг рўйхатдаги ўртача сони йигирма нафар кишидан орტიқчи ташкил этидиган ташкилотлар ҳар йили:

лавозимлари ҳисобга олган ҳолда, келгуси йил учун заҳирага қўйиладиган иш ўринларининг умумий сонини 1 сентябрдан кеч бўлмаган мuddатда белгилайди;

келгуси йил учун заҳирага қўйиладиган иш ўринларининг умумий сони тўғрисидаги маълумотларни 15 сентябрдан кеч бўлмаган мuddатда маҳаллий меҳнат органига тақдим этиши.

Маҳаллий меҳнат органи томонидан олинган маълумотлар асосида иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисидаги тақлифлар шакллантирилади ва туман (шаҳар) ҳудудига жойлашган ташкилотлар қисмида тегишли қарор қабул қилиниши учун туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига ҳар йили 1 октябрдан кечиктирмай киритилади.

Маҳаллий меҳнат органи томонидан тақдим этилган умумлаштирилган тақлифлар асосида туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида ҳар йили 1 ноябрдан кечиктирмай қарор қабул қилади.

Туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарорлари асосида маҳаллий меҳнат органлари заҳирага қўйиладиган иш ўринлари сони, заҳирага қўйиладиган иш ўринларига қўйиладиган талаблар, рабгатлантириш чоралари тўғрисидаги ахборотни, шунингдек туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг энг кам миқдорда иш ўринларини ташкил этиш ҳақидаги қарорлари бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш жорий йилнинг 15 ноябрдан кеч бўлмаган мuddатда ташкилотларнинг эътиборига етказиди.

Ушбу Қонун 38-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган тоифадаги шахслар томонидан қўйиладиган ўзига хос талабларга мувофиқ бўлган меҳнат шaroитларини таъминлайдиган иш ўрни мазкур тоифадаги шахслар учун, шу жумладан қўйидагилар учун ташкил этилган иш ўрни деб ҳисобланади:

ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ноғиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз отага ёки онага, шунингдек кўп болали oilаларнинг ота-оналари учун – болаларни тарбиялаш мажбуриятлари ва меҳнат мажбуриятлари бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишининг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўринлари;
ноғиронлиги бўлган шахслар учун – меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга соғлигининг ҳолатини ҳамда меҳнат фаолиятига доир белгиланган қарши кўрсатмалар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат мажбуриятларини монеликсиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари.

Ушбу Қонун 38-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар жойлаштириб бўлинган иш ўринлари келгуси даврга заҳирага қўйиладиган иш ўринлари сонини аниқлашда ҳисобга олинади.

Заҳирага қўйиладиган иш ўринларига ишга жойлаштириш ташкилот томонидан маҳаллий меҳнат органининг йўлланмаси бўйича ёки мустақил равишда амалга оширилади.

Заҳирага қўйиладиган иш ўринларига ишга жойлаштиришга ноғиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари, жазони ижро этиш жойларидан озод этилган шахсларнинг ихтимойй мослашув марказлари, кўрсатиб ўтилган тоифадаги шахсларнинг манфаатларини ifода этувчи бошқа ташкилотлар ҳам уларни маҳаллий меҳнат органларига юбориш йўли билан кўмаклашиши мумкин бўлиб, маҳаллий меҳнат органлари бундай шахсларнинг ишга жойлаштирилишини таъминлайди. Бунда мазкур ташкилотлар календарь йил бошланишидан камида беш ой олдин маҳаллий меҳнат органига аниқ ташкилотлар бўйича иш ўринларини заҳирага қўйиш тўғрисида тақлифлар киритиш ҳуқуқига, зарур ҳолларда, маҳаллий меҳнат органларидан ҳар бир ташкилот бўйича ташкил этилган иш ўринларининг сони ва хусусияти, шунингдек заҳирага қўйиладиган бўш (вакант) иш ўринлари мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олиш ҳуқуқига эга.

40-модда. Заҳирага қўйиладиган иш ўринларини сақлаш шартлари

Заҳирага қўйиладиган иш ўринлари қисқартирилган ёки тугатилган ҳолларда ташкилот маҳаллий меҳнат органига ахборот тақдим этади.

Технологиядаги, ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва меҳнат шарт-шaroитларидаги ўзгаришлар, ходимлар сонининг ўзгаришига олиб келган иш ҳажмларининг қисқариши билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш чоғида, заҳирага қўйиладиган иш ўринларига ишга жойлаштирилган шахслар учун иш ўринлари, агар ушбу шахсларнинг сони ходимлар сони ўзгарган календарь йил учун туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорлари билан белгиланган заҳирага қўйиладиган иш ўринлари сонидан ортиқ бўлмаса, устувор тартибда сақланади.

Заҳирага қўйиладиган иш ўрни илгари ушбу иш ўрнини эгаллаган шахс билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши муносабати билан бўшганда, ташкилот янгидан очилган бўш (вакант) иш ўрни тўғрисида маҳаллий меҳнат органини ўн кунлик мuddатда хабардор қилиши шарт.

Ташкилот туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарорларига мувофиқ ўзи учун иш ўринлари заҳирага қўйиладиган тоифадаги шахсларни ишга жойлаштириши шарт.

Ташкилот заҳирага қўйиладиган иш ўринлари умумий сонининг камида йигирма беш фоизи миқдорида заҳирага қўйиладиган иш ўринларининг тайёрлигини йил бошланишидан олдин ўн кундан кечиктирмай таъминлаши, шунингдек бу ҳақда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиши шарт.

Иш ўринларининг қолган қисмини заҳирага қўйиш ташкилот томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминланади, бу ҳақда маҳаллий меҳнат органи биринчи чорак тамом бўлганидан кейин ўн кундан кечиктирмай хабардор қилинади.

Ташкилотлар маҳаллий меҳнат органига ишга жойлаштириш тўғрисида ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар ахборот тақдим этади.

Мавсумий ва вақтинчалик иш ўринларини заҳирага қўйишга йўл қўйилмайди.

41-модда. Туман (шаҳар) ҳокимининг иш ўринларининг энг кам сонини ташкил этишга доир қарорини бажармаганили, шунингдек заҳирага қўйиладиган иш ўринларига ишга жойлаштиришни асосиз равишда рад этганили учун жавобгарлик

Туман (шаҳар) ҳокимининг давлат қўшимча кафолатларни таъминлайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш

ўринларининг энг кам сонини ташкил этишга доир қарорини бажармаганили, шунингдек заҳирага қўйиладиган иш ўринларига маҳаллий меҳнат органлари томонидан юборилган шахсларни ишга қабул қилишни асосиз равишда рад этганили Қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Жавобгарликка тортиш заҳирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини ташкил этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

42-модда. Иш ўринларини заҳирага қўйишда иштирок этадиган ташкилотлар учун имтиёзлар

Заҳирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган энг кам сонидан ортиқча иш ўринлари ташкил этган ташкилотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзларга, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари ҳисобидан субсидиялар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари белгиланган сондан ортиқча заҳирага қўйиладиган иш ўринлари ташкил этган ташкилотларга ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқа чора-тадбирлар учун яшаш учун мўлжалланмаган жойларни биринчи навбатда ахратиш орқали ўз ваколатлари доирасида имтиёзлар белгилаши мумкин.

43-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат хавфсизлик хизмати тизимидан ва бошқа ҳарбий хизмат назарда тутилган идоралардан бўшатилган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатлар

Ҳарбий хизматга қақирилган (кирган) ходим резервга бўшатилагандан ёки истеъфoga чиқарилгандан кейин, агар у иш берувчига ишга жойлашиш масаласи бўйича Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардияси сафларидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати қўшинларида ва бошқа ҳарбий хизмат назарда тутилган идоралардан бўшатилган кундан эътиборан кўпи билан уч ой ичيدا мурожаат қилган бўлса, аввалги иш жойида ишга жойлашиш ҳуқуқига эга.

Ҳарбий хизматга қақирилган (кирган), лекин кейинчалик резервга бўшатилган ёки истеъфoga чиқарилган ходим, агар у ҳарбий хизматга қақирилган (кирган) кундан эътиборан кўпи билан уч ой ўтган бўлса, аввалги иш жойига (лавозимига) қайтиш ҳуқуқига эга.

Ташкилот қайта ташкил этилганда ҳарбий хизматдан бўшатилган шахсларни ишга жойлаштиришни унинг ҳуқуқий вориси, ташкилот тугатилганда эса маҳаллий меҳнат органи амалга оширади.

Шахсларга ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган тартибда иш бериш имкони бўлмаган ҳолларда, маҳаллий меҳнат органи уларни ишга жойлаштиришни, зарур ҳолларда эса уларнинг бепул касбга тайёрланишини, қайта тайёрланишини ёки малакаси оширилишини таъминлайди.

Ушбу моддада назарда тутилган кафолатлар муқобили хизматга қақирилган ходимларга нисбатан ҳам таъбиқ этилади.

10-бoб. Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш

44-модда. Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш шартлари

Ўн олти ёшдан то пенсия таъминоти ҳуқуқини олиш ёшигача бўлган, ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш тақлиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган, ишга жойлашишга кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва ушбу органлар томонидан иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга олинган меҳнатга лаёқатли шахслар (бундан таълим муассасаларида таълим олаётганлар мустасно) ишсизлар деб эътироф этилади.

Агар иш қидираётган шахсга у рўйхатга олинган кундан эътиборан дастлабки ўн кун ичيدا мақбул келадиган иш тақлиф этилмagan бўлса ёки маҳаллий меҳнат органи мазкур шахс ишга жойлаштириш учун юборилган ташкилотдан рад жавобини олган бўлса, шахсни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан қўпи биринчи кундан кечиктирмай маҳаллий меҳнат органи томонидан қабул қилинади.

Шахсни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор маҳаллий меҳнат органининг буйруғи билан расмийлаштирилади, ушбу буйруқ бир вақтинг ўзида ишсизлик нафақаси тайинлаш тўғрисидаги буйруқ ҳисобланади. Буйруқда ишсизлик нафақасининг миқдори ва уни ҳисоблаш санаси кўрсатилади.

Ишсиз деб эътироф этилган шахс қабул қилинган қарор тўғрисида мазкур қарор қабул қилингандан кейин икки кунлик мuddатдан кечиктирмай ёзма равишда ёки телефон, электрон почта орқали хабардор қилинади. Бунда ишсиз деб эътироф этилган шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, маҳаллий меҳнат органига ёки ихтимойй-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш бўйича секторга, фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига бириктирилган ходим ҳузурига қайта рўйхатдан ўтиш учун мажбурий келиш санаси, ишсизлик нафақасини олиш шартлари ва жойи, шунингдек ишсиз шахс учун зарур бўлган бошқа ахборот хабар қилинади.

Шахсни ишсиз деб эътироф этиш чоғида меҳнат дафтарчасига ёзув қайд этилмайди.

Ишсиз деб эътироф этилган шахслар бепул маслаҳат олиш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш хизматларини олиш, шунингдек маҳаллий меҳнат органини кўмагига ишга жойлашиш ҳуқуқига эга.

45-модда. Шахсларни ишсиз деб эътироф этишни рад қилиш учун асослар

Қуйидагилар ишсиз деб эътироф этилмайди:
тақлиф этилган мақбул келадиган ишни иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн кун ичيدا узрли сабабсиз икки марта рад этган шахслар;
маҳаллий меҳнат органига ёки ихтимойй-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш бўйича секторга, фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига бириктирилган маҳаллий меҳнат органи ходими ҳузурига мақбул келадиган иш юзасидан тақлиф олиш учун иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн кун ичيدا узрли сабабсиз келмаган шахслар;

таълим муассасаларида ва ташкилотларида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда тахсил олаётган шахслар, бундан таълимнинг сиртки шаклида тахсил олаётганлар мустасно;

қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлган шахслар (пенсия туридан қатъи назар);

бола икки ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилаётган, ишламаётган аёллар;

ишини ўзгартирмоқчи бўлган, лекин маҳаллий меҳнат органларида рўйхатдан ўтиш пайтида, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ташкилотларда ишловчи ёки уларнинг штатида ҳисобда турувчи шахслар;

суднинг ҳукми билан ооздликдан мақрум этиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазога ҳўкм қилинганлар;
фермер ҳўжалиқларининг раҳбарлари ва ходимлари, oilавий қорхоналарнинг иштирокчилари, деҳқон ҳўжалиқларининг раҳбарлари ва аъзолари, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар;
ўзини ўзи банд қилган шахслар.

Ишсиз шахс деб эътироф этиш рад қилинган шахс тақлиф этилган ишни рад этган пайтдан ёки мақбул келадиган иш бўйича тақлиф олиш учун маҳаллий меҳнат органига узрли сабабсиз келмаган пайтдан эътиборан ўттиз календарь кун ўтганидан кейингига иш қидираётган шахс сифатида тақроран рўйхатдан ўтиш ҳуқуқига эга.

46-модда. Ишсиз шахсларнинг келишини ҳисобга олиш

Ишсиз деб эътироф этилган шахслар ишсизлик нафақасини олиш даврида бир ойда камида икки марта маҳаллий меҳнат органларига келиши шарт. Келиш жадвали, санаси ва вақти иш қидираётган шахсларни рўйхатга олишни амалга оширувчи маҳаллий меҳнат органи ходими томонидан ишсиз шахснинг маҳаллий меҳнат органига келиши қулайлиги ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ишсиз шахс маҳаллий меҳнат органига келганда маҳаллий меҳнат органининг ходими:

ишсиз шахс билан мазкур шахснинг ишсиз шахс сифатида мақомини белгилашга ва уни ишга жойлаштиришга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда юз берган ўзгаришлар тўғрисида сўхбат ўтказида;

ишсиз шахсни мавжуд бўш (вакант) иш ўринлари тўғрисида, касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтиш ёки малакасини ошириш имкониятлари ҳақида, шунингдек ҳақ тўланадиган жамоат ишлари тўғрисида хабардор қилади;

мақбул келадиган иш мавжуд бўлганда ишга жойлаштиришга доир йўллана ёки ишга жойлашшга кўмаклашиш юзасидан мурожаатнома беради.

Маҳаллий меҳнат органи ишсиз шахсларнинг ўз вақтида маҳаллий меҳнат органига келиб туриши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Ишсиз шахсларнинг маҳаллий меҳнат органларига келишини ҳисобга олиш уларнинг иш қидириш ва ишга жойлашишдаги фаоллигини ошириш, уларга мавжуд бўш (вакант) иш ўринлари тўғрисидаги жорий ахборотни тақдим этиш, шунингдек уларнинг ишга жойлашишга ва ихтимойй жиҳатдан ҳўмоа қилинишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маълумотларнинг улар томонидан ўз вақтида олинишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

47-модда. Ишсиз шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қуватлаш кафолатлари

Давлат ишсиз шахсларга қуйидагиларни кафолатлайди:

ишсизлик нафақаси тўланишига;
меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида стипендия тўланиши ва шу давр умумий меҳнат стажига қўшилишини;
маҳаллий меҳнат органиларининг йўлланмасига кўра бепул, шу жумладан грантлар ҳисобидан касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириши;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш имкониятини;
тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга ҳамда шахсий томорқа ер участкаларини ривожлантиришга қаратилган, ушбу Қонун 19-моддасининг учинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган субсидияларни олиш имкониятини;

маҳаллий меҳнат органиларининг тақлифига кўра ишлаш учун ихтиёрий равишда бошқа ерга кўчиб ўтиш билан боғлиқ харажатлар компенсация қилинишини.

48-модда. Ишсиз шахсни маҳаллий меҳнат органларида ҳисобдан чиқариши учун асослар

Ишсиз шахс қуйидаги ҳолларда маҳаллий меҳнат органларида ҳисобдан чиқарилиши мумкин:

ишга жойлашганда;
ушбу Қонун 19-моддасининг учинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган субсидияни олганда;

Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида таққикланмаган бошқа манбалар ҳисобидан микрокредит олганда;

ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олинганда;
қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлганда (пенсия туридан қатъи назар);

шахс доимий яшаш учун бошқа жойга кўчиб ўтганда;
узрли сабабсиз маҳаллий меҳнат органига келмаганда;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширганда;

мақбул келадиган ишга доир тақлифларни мунтазам равишда (икки мартадан кўп) рад этганда;

ишга жойлаштиришга доир йўлланмани ёки ишга жойлашишга кўмаклашиш юзасидан мурожаатномани олишга келишдан бўйин товланганда;

шахс қонунга хилоф равишда ишсиз шахс деб эътироф этилганлиги факти аниқланганда;

суднинг ооздликдан мақрум қилиш ёки алоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазони назарда тутувчи ҳўкм қонуний кўчга кирганда;
мuddатли ҳарбий хизматга қақирилганда;
ишсиз шахс вафот этганда.

Ушбу модда биринчи қисмининг саккизинчи – ўн биринчи хатбошоларида назарда тутилган асосларга кўра ҳисобдан чиқарилган шахслар ишсиз сифатида маҳаллий меҳнат органида ҳисобдан чиқарилган кундан эътиборан ўттиз календарь кун ўтган маҳаллий меҳнат органига иш қидираётган шахс сифатида тақроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ишсиз шахсни маҳаллий меҳнат органида ҳисобдан чиқариш маҳаллий меҳнат органи раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади, буйруқда ишсиз шахсни ҳисобдан чиқариш асоси, шунингдек шахс ҳисобдан чиқариладиган сана кўрсатилади.

Ишсиз шахсни маҳаллий меҳнат органида ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги маълумотлар «Бандлик хизмати» ахборот тизимига киритилади.

49-модда. Меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинганда моддий жиҳатдан қўллаб-қуватлаш бўйича қўшимча кафолатлар

Башарти янги билан тузилган меҳнат шартномаси:

ходим олдми меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттириши рад этганлиги;

технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнати ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусияти ўзгаришига олиб келган иш ҳажмлари қисқарганлиги ёхуд ташкилот тугатилганлиги;

ход

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Аҳоли бандлиги тўғрисида

(**Давоми. Бошланиши 1, 2, 3, 4-бетларда.**)

Ишсизлик нафақасини тўлаш юқорида кўрсатилган ҳоллардан бири юзага келган пайтдан эътиборан тугатилади.

Ишсиз шахс маҳаллий меҳнат органига мунтазам равишда узрли сабабларсиз келмаган ёки белгиланган мuddатларда келишдан бўйин товланган ёхуд ишга жойлаштиришга доир йўлнамма ёхуд ишга жойлашшга кўмаклашиш юзасидан мувожаатнома олиш учун узрли сабабларсиз келмаган тақдирда ҳам ишсизлик нафақасини тўлаш мuddатидан олдин тугатилиши мумкин.

Ишсизлик нафақасини тўлаш даври туганганлиги ёки нафақани тўлаш тугатилганлиги ишсиз шахсларни маҳаллий меҳнат органларида ҳисобдан чиқариш учун асос бўлмайдй.

Ишсиз шахсининг касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ёки малака оширишдан ўтиш тақлифини рад этишига мақбул ишни рад этиш сифатида қаралмайди ва ишсизлик нафақаси тўлашни тугатишга сабаб бўлмайди.

Ишсизлик нафақасини тўлаш қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилади:

ишсиз шахс касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ёки малака оширишга юборилганда – стипендия тўланган ҳолда касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида; ишсиз шахс ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасида даволаш қурсидан ўтганда – бундай муассасада бўлиш даврида.

ишсиз шахс ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этаётганда – бундай ишларда иштирок этиш даврида.

Ишсизлик нафақасини тўлаш ишсиз шахс белгиланган мuddатда узрсиз сабабларга кўра маҳаллий меҳнат органига келмаган тақдирда уч ойгача бўлган мuddатта тўхтатиб турилиши мумкин.

56-модда. Ишсизлик нафақаси тўлашни тугатиш (тўхтатиб туриш) тартиби

Маҳаллий меҳнат органининг буйруғи ишсизлик нафақаси тўлашни тугатиш (тўхтатиб туриш) учун асос бўлади, унда ишсизлик нафақаси тўлашни тугатиш (тўхтатиб туриш) сабаби ва ишсизлик нафақасини тўлаш тугатиладиган (тўхтатиб туриладиган) сана мажбурий тартибда кўрсатилади.

Ишсизлик нафақасини тўлаш ушбу Қонун 55-моддасининг биринчи қисмида (бешинчи қисмида) назарда тутилган тегишли ишончи ахборот олинганидан кейин маҳаллий меҳнат органи томонидан тугатилади (тўхтатиб турилади).

Ишсизлик нафақаси тўлашни тугатиш (тўхтатиб туриш) тўғрисида маҳаллий меҳнат органининг ходими томонидан «Бандлик хизмати» ахборот тизимининг тегишли бўлимида ва сўрвономада қайд этилади, унда ишсизлик нафақасини тўлаш тугатиладиган (тўхтатиб турилган) сана, ишсизлик нафақаси тўлашни тугатиш (тўхтатиб туриш) сабаблари, ишсизлик нафақаси тўлашни тугатиш (тўхтатиб туриш) учун асос бўлган буйруқнинг санаси ва рақами кўрсатилади.

Маҳаллий меҳнат органи томонидан чиқарилган ишсизлик нафақаси тўлашни тугатиш (тўхтатиб туриш) тўғрисидаги қарор ишсиз шахсга етказилиши шарт.

Ҳисобланган, лекин белгиланган мuddатда олинмаган ишсизлик нафақаси ишсиз шахсга келгуси ойда тўланади.

57-модда. Ишсизлик нафақаларининг ортиқча тўланган суммаларини ушлаб қолиш

Ишсизлик нафақасининг ортиқча тўланган суммалари ишсиз шахсдан, агар ортиқча тўлов ҳисоб-китобдаги хато натижасида ёки ишсиз шахс томонидан суиестеъмольлик оқибатида содир этилган бўлсанина, ушлаб қолиниши мумкин. Ушлаб қолишлар ишсизлик нафақасининг кейинги тўланишлари чоғида амалга оширилади.

Ҳисоб-китобда йўл қўйилган хато натижасида ортиқча тўланган суммани ушлаб қолиш тўғрисидаги қарор нотўғри белгиланган миқдордаги ишсизлик нафақаси охириги тўланган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай қабул қилиниши керак. Ишсиз шахс томонидан суиестеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган ортиқча тўланган суммани ушлаб қолиш тўғрисидаги қарор бирор-бир мuddатлар билан чекланмаган ҳолда қабул қилинади.

Агар ишсизлик нафақасини олувчи ишсиз шахс гаёркуноний равишда ишдан бўшатилган бўлса ва сундинг ёки бошқа ваколатли органининг қарорига кўра ишсизлик нафақасини олувчи шахс ўзига етказилган зарарининг ўрни қопланган ҳолда аввалги ишга тикланган бўлса, унга тўланган ишсизлик нафақаси ушбу шахс томонидан тўлик миқдорда Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жағмармасига ихтиёрий равишда қайтарилади. Ушбу шахс олган ишсизлик нафақасини ихтиёрий равишда қайтаришни рад этган тақдирда тўланган ишсизлик нафақаларининг бутун суммаси ушбу шахсдан суд тартибида ундирилади.

58-модда. Ишсизлик нафақалари тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарорлар устидан шикоят қилиш

Маҳаллий меҳнат органларининг ишсизлик нафақалари тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарорлари, шу жумладан улارни тайинлашнинг тўғрилиги ва тўлаш мuddатлари ҳақидаги қарорлари устидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят берилиши мумкин.

12-бoб. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш

59-модда. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг асосий турлари

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг асосий турлари қуйидагилардан иборат:

шаҳарларнинг, туманларнинг, аҳоли пунктларининг, маҳаллаларнинг худудларини ва бошқа худудларни ободонлаштириш (қуқаламзорлаштириш, йиғиштириш, оқлаш, ариқларни, қабростонларни, зибэратгоҳларни, маданий объектларни тозалаш ва бошқалар);

уй-жой-коммунал объектлар ва бошқа инфратузилма объектлари худудларига туташ уй-жой фонднинг объектларини таъмирлаш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш;

кўчаларни, йўлларни ва йўлқаларни таъмирлаш; қишлоқ ҳўжалиги ишлари, қишлоқ ҳўжалиги махсусотлари етиштириш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш, қишлоқ ҳўжалиги махсусотлари ҳосилини йиғиб-териб олиш, ирригация ва мелиорация тармоқларини таъмирлаш; ноғиронлиги бўлган шахсларни, кексаларни, беморларни ва бошқа шахсларни параварилаш; саноат тармоқлари ташкилотларидаги ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ишлар;

объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг қарорларига мувофиқ ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг тақлиф этилаётган турлари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг касбий кўникмаларини, иш тажрибасини, ёшини, жинсини ва бошқа ўзига хоc хусусиятларини, иш режимиини ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид зарур шарт-шароитларни ҳисобга олиши керак.

60-модда. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тартиби

Буюртмачилар-иш берувчилар ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг зарур турлари ва ҳажмларини маҳаллий меҳнат органлари билан бйриглайди белгилайди.

Буюртмачилар-иш берувчилар ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этишга доир талабномани маҳаллий меҳнат органларига тақдим этади.

Маҳаллий меҳнат органлари буюртмачилар-иш берувчиларнинг талабномаларида кўрсатилган ишчи кучига бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларнинг (бундан буён матнда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар деб юритилади) рўйхатларини шакллантиради.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Жамоат ишлари жағмармаси ҳақ тўланадиган жамоат ишлари бажарилишини маҳаллий меҳнат органларининг умумлаштирилган талабномалари асосида молиялаштириди.

Маҳаллий меҳнат органлари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг рўйхатини илова қилган ҳолда буюртмачилар-иш берувчилар билан шартномалар тузади.

Маҳаллий меҳнат органлари буюртмачи-иш берувчи билан шартнома тузганидан сўнг ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларга ҳақ тўланадиган жамоат ишлари учун йўлнамма беради.

Буюртмачи-иш берувчи ҳақ тўланадиган жамоат ишларини амалга ошириш вақтида меҳнатни муҳофаз қилишга доир бўлган даражадаги шарт-шароитларни қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлайди.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларга иш ҳақи тўғри ҳисобланиши ва бажарилган жамоат ишларининг ҳаққиёй ҳажмлари тўғри ҳисобга олинishi учун, шунингдек

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Жамоат ишлари жағмармасининг ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ҳақ тўлаш бўйича харажатларнинг ўрнини қоплаш учун йўналтирилган маблағларидан максадли фойдаланилиши юзасидан жавобгарлик буюртмачи-иш берувчининг зиммасига юклатилади.

Маҳаллий меҳнат органлари ҳақ тўланадиган жамоат ишларини амалга ошириш мониторингини бир ойда бир марта жойнинг ўзига қикиб ўрганishi орқали ўтказади ва тегишли мониторинг далолатномасини расмийлаштиради. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ўтказиш тартиби бузилганлиги фактлари аниқланган тақдирда далолатнома расмийлаштирилади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чора-тадбирлар кўрилади.

Буюртмачи-иш берувчи ҳар ойда маҳаллий меҳнат органларига ҳақ тўланадиган жамоат ишлари ташкил этилганлигини ва ушбу ишлар ҳажми бажарилганлигини, ишланган вақт ҳисобини ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларга иш ҳақи ҳисобланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади.

Маҳаллий меҳнат органлари тасдиқловчи ҳужжатларни олганидан кейин ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ўрни қопланадиган суммини тўлашга оид тўлов ҳужжатларини ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигининг тегишли бўлимига қўюради.

Буюртмачи-иш берувчи ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузади. Ихтиёрий асосда бригадаларга бирлашган шахслар комплекс ёки айрим турдаги ҳақ тўланадиган жамоат ишларини бажарган тақдирда шартномада тарафларнинг мажбуриятлари, ишларнинг бажарилиши ҳажмлари ва мuddатлари, меҳнатни ташкил этиш ҳамда унга ҳақ тўлаш шакллари назарда тутилади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этиш вақти меҳнат стажига киритилади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг пенсия таъминоти олиш ва уларга вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа тўлаш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Маҳаллий меҳнат органлари ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш учун буюртмачилар-иш берувчиларга Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Жамоат ишлари жағмармасининг маблағлари ҳисобидан олинган асосий воситалар, майда асбоб-ускуналар ва анжомларни ижарага беришни амалга оширади.

61-модда. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар билан ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этиш учун қамда икки ҳафталик, лекин олти ойдан кўп бўлмаган мuddатга, айрим ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган ҳолда, ўн бир ойгача мuddатга мuddатли меҳнат шартномаларни тузилади.

Бюджет ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (шу жумладан жамоатчи ҳодимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича), шунингдек кўп квартиралй уйлардаги уй-жой муқдорларининг ширкатлари томонидан (туташ худудларни ободонлаштириш, қуқаламзорлаштириш ва сақлаш бўйича) ташкил этиладиган ҳақ тўланадиган жамоат ишларида маҳаллий меҳнат органининг йўлланмаларига кўра ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга оид харажатларнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Жамоат ишлари жағмармасининг маблағлари ҳисобидан тўлиқ қопланади. Бунда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлиши ва меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кўп бўлиши мумкин эмс ҳамда маҳаллий меҳнат органи томонидан юборилган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларнинг ўрни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Жамоат ишлари жағмармасининг маблағлари ҳисобидан тўлиқ қопланади.

Тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан (бундан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кўп квартиралй уйлардаги уй-жой муқдорларининг ширкатлари мустасно) ташкил этиладиган ҳақ тўланадиган жамоат ишларида меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатларнинг эллиқ фоизигача бўлган қисмининг ўрни иш берувчи бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Жамоат ишлари жағмармасининг маблағлари ҳисобидан қопланади. Бунда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган бир шахс меҳнатга тўланган ҳақнинг ўрнини Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Жамоат ишлари жағмармасининг маблағлари ҳисобидан қоплашининг ҳар ойлик миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки баравари миқдоридан ошмаслиги керак. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳар ойда ҳақ тўлаш меҳнат шартномаси асосида белгиланади.

Зарур бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Жамоат ишлари жағмармаси томонидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўрнини қоплашининг ҳар ойлик миқдорини меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг тўрт бараваригача миқдорда белгилаши мумкин.

Ишсиз шахсининг ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этиши даврида унга ишсизлик нафақасини тўлаш тўхтатиб турилади ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларини бажариш тугаган кундан эътиборан тикланади.

13-бoб. Иш қидираётган шахсларни ҳамда ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

62-модда. Иш қидираётган шахсларни ҳамда ишсиз шахсларни касбга тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини ошириши ташкил этиш

Иш қидираётган шахсларни ҳамда ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш қуйидаги ҳолларда маҳаллий меҳнат органининг йўлланмасига кўра амалга оширилиши мумкин:

касби (мутахассислиги) мавжуд бўлмаганда; мавжуд касбий кўникмаларига мос мақбул иш йўқлиги сабабли касбини (мутахассислигини) ўзгартириш зарур бўлганда; касбий кўникмалари мавжуд бўлмаганлиги ёки етарли бўлмаганлиги сабабли, касбига (мутахассислигига) доир талаблар ўзгартирилганлиги боис малака ошириши зарур бўлганда; аввалги касби (мутахассислиги) бўйича иш бажариш қобилияти йўқотилганда.

Иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш касбга ўқитиш марказларида (касб-хунар таълими муассасаларида) амалга оширилади.

Иш қидираётган шахслар, ишсиз шахслар, шунингдек аҳолининг ихтимойй эҳтиёжманд тоифаларига мансуб шахслар устувор тартибда касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ва малака оширишдан ўтиш ҳуқуқига эга.

Касбга ўқитиш марказларини сақлаш ва моддий-техник жиҳатдан ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жағмармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

63-модда. Касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва малака оширишга доир давлат буюртмаси

Иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишга доир давлат буюртмаси (бундан буён матнда касбга ўқитишга доир давлат буюртмаси деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан шакллантирилади.

Касбга ўқитишга доир давлат буюртмаси қуйидаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда келгуси йил учун шакллантирилади:

Ўзбекистон Республикасининг демографик таҳлили ва демографик ривожланиш прогнозларидан; иш қидираётган шахсларнинг ва ишсиз шахсларнинг прогноз сонидан;

касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ёки малакасини оширишга эҳтиёжи бўлган шахсларнинг прогноз сонидан; умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотлари, касб-хунар мактаблари, касб-хунар коллежлари, техникумлар, олий таълим муассасалари битирувчилари сонининг прогнозидан; ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган касбга ўқитишга нисбатан эҳтиёжнинг асосий йўналишлари прогнозидан.

64-модда. Иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга ўқитишга доир давлат буюртмаси параметрлари

Иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга ўқитишга доир давлат буюртмаси параметрлари: ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ёки мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш; янги хизмат кўрсатиш ва сервис объектларини ишга тушириш, янги уй-жойлар, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини қуриш;

қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ҳажмларини ошириш ҳисобига қишлоқ ҳўжалиги махсусотлари етиштириш ҳажмларини кенгайтириш, янги боғлар, тоқорлар барпо этиш, чорва моллари сонини кўпайтириш; аҳоли тадбиркорлик фаолигининг ўсиши, янги тадбиркорлик, хунармандчилик субъектларини ташкил этиш, тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш; инвестиция лойиҳаларини ва хусусийлаштирилган ташкилотларни ривожлантириш «йўл хариталарини» амалга ошириш, фойдаланилмаётган хоналарни ва биноларни ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш учун инвестиция мажбуриятлари ҳамда ижтимоий мажбуриятлар асосида «ноль» харид қиймати бўйича бериш ҳамда давлат мулки бўлган объектларни ижарага бериш муносабати билан зарур иш ўринлари сонини аниқлаш асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга ўқитишга доир давлат буюртмаси параметрлари худудлар кесимида, касбга ўқитишнинг ҳар бир тури бўйича молиялаштиришнинг прогноз ҳажмлари кўрсатилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири томонидан тасдиқланади.

Иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга ўқитишга доир давлат буюртмаси параметрлари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

65-модда. Касбга ўқитишга доир давлат буюртмасини шакллантириш

Маҳаллий меҳнат органлари ҳар йили прогноз йилидан олдинги йилининг 1 октябрга қадар келгуси календарь йил учун мўлжалланган иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга ўқитишга бўлган прогноз талабни шакллантиради ҳамда худудий меҳнат органларига тақдим этади.

Худудий меҳнат органлари ҳар йили прогноз йилдан олдинги йилининг 1 ноябрга қадар келгуси календарь йил учун мўлжалланган касбга ўқитишга доир давлат буюртмасининг ҳажми ва йўналишлари бўйича талабни шакллантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳар йили прогноз йилидан олдинги йилининг 1 декабрга қадар иш қидираётган шахслар ва ишсиз шахслар сонини, меҳнат бозорининг жорий ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жағмармасининг молиялаштириш ҳажмларини таҳлил қилиш асосида худудлар ва касбга ўқитиш турлари кесимида касбга ўқитишга доир давлат буюртмаси параметрларини шакллантиради.

66-модда. Касбга ўқитишга доир давлат буюртмасининг маълумотлар базасини шакллантириш

Меҳнат органлари касбга ўқитишга доир давлат буюртмасининг маълумотлар базасини шакллантиради ва уни мунтазам равишда янгилаб боради.

Касбга ўқитишга доир давлат буюртмасини шакллантириш ва амалга ошириш «Ягона меҳнат миллий тизими» идораларро дастурий-аппарат комплекси билан интеграция қилинган тегишли эарактрон платформа ҳамда дастурий таъминот орқали бажарилади.

Маэкур электрон платформа ҳамда дастурий таъминоти ишлаб чиқиш ва мунтазам равишда қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жағмармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

67-модда. Касбга ўқитишга доир давлат буюртмаси турлари

Касбга ўқитишга доир давлат буюртмаси қуйидаги турлар бўйича шакллантирилади: узоқ мuddатли ўқитиш – ўқув жараёни ўттиз ҳафтадан қирқ ҳафтагача давом этади; ўрта мuddатли ўқитиш – ўқув жараёни беш ҳафтадан йигирма беш ҳафтагача давом этади; қисқа мuddатли ўқитиш – ўқув жараёни тўрт ҳафтагача давом этади;

ишлаб чиқаришда касбга ўқитиш – ўқув жараёни иш берувчида бир вақтининг ўзида олиб бориладиган меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, бир нафар ўқувчи учун келгусида иш берувчида ишга жойлаштирилган ҳолда касбга тайёрлашдан (стажировкадан) ўттиши йигирма беш ҳафтагача давом этади;

касбадди ўқитиш – ўқув жараёни тўрт ҳафтагача давом этади.

Касбга ўқитишга доир давлат буюртмасини шакллантириш учун тўлов қийматини ва молиялаштириш ҳажмларини белгилашда бир нафар ўқувчига сарфланадиган харажатлар мезон бўлади.

68-модда. Узоқ мuddатли ўқитиш

Ишсиз шахсларни узоқ мuddатли ўқитиш тарзидаги касбга ўқитишга доир давлат буюртмас

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Аҳоли бандлиги тўғрисида

(**Давоми. Бошланиш 1, 2, 3, 4, 5-бетларда.**)

касбий стандартларни қўриб чиқади, уларни долзарблаштириш бўйича тақлифлар киритади;

касбий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича малака даражасини баҳолаш усулбўётини тасдиқлайди ва унга малакани баҳолаш марказлари томонидан риюа этилишини назорат қилади.

Тармок кенгашлари таркибига қасаба уюшмаларининг (улар бирлашмаларининг), таълим ташкилотларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари мажбурий тартибда киритилади.

Тармок кенгашига касбий фаолиятнинг бир неча тури бўйича ваколатлар берилишига йўл қўйилади. Бир неча тармок кенгашларига касбий фаолиятнинг айни бир тури бўйича ваколатлар берилишига йўл қўйилмайди.

Тармок кенгашлари фаолиятнинг молиявий таъминоти тармок кенгашлари ташкил этилган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бирлашмалар, компаниялар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

78-модда. Қасбга ўқитиш марказлари

Иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни қасбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир фаолиятни амалга ошириш учун мустақил юридик шахс ёки юридик шахснинг таркибий бўлимига сифатида ташкил этилган, белгиланган тартибда аккредитация қилинган таълим муассасалари қасбга ўқитиш марказларидир.

Қасбга ўқитиш марказлари ўз фаолиятини иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни ўқитиш учун қасбга ўқитишга доир давлат бюуртмаси доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан, шунингдек ўзини ўзи молиялаштириш асосида амалга оширади.

Ўқитиш учун амалга ошириладиган тўлов миқдори қасбга ўқитиш марказлари томонидан мустақил равишда белгиланади.

79-модда. Иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни қасбга ўқитиш марказларида ўқитиш жараёнини ташкил этиш

Иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни қасбга ўқитиш марказларида ўқитиш шартнома асосида амалга оширилади. Шахсларни қасбга ўқитиш марказига қабул қилиш бўйруқ билан расмийлаштирилади.

Қасбга ўқитиш марказларидаги ўқув дастурлари қасб-хунар таълими ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқасини таъминлаш асосида амалга оширилади.

Қасбга ўқитиш марказларида ўқувчилар, қоида тариқасида, ўқув курслари бўйича гуруҳларга, ўқиш йўналиши бўйича эса бўлимларга бирлашади.

Ўқув дастурларининг аниқ мазмуну, ўқиш мuddатлари, ўқув жараёнининг ҳамда ишлаб чиқариш амалиётининг сифати устидан назорат қилиш усуллари ва мuddатлари қасбга ўқитиш маркази томонидан мустақил равишда тасдиқланади.

Меҳнат органлари қасбга ўқитиш марказларидан улар фойдаланадиган ўқув дастурларини мониторинг қилиш мақсадида сўраб олишга ҳақли.

80-модда. Яқиний малака имтихонлари ва малакаларни бериш тартиби

Қасбга ўқитиш марказларида ўқитиш яқунлари бўйича яқиний малака имтихонлари ўтказилади.

Яқиний малака имтихонларини ўтказиш учун иш бевувчилар орасидан ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, шунингдек қасбга ўқитиш марказларининг раҳбарлари, ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари орасидан малака комиссиялари тузилади.

Яқиний малака имтихонларини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан белгиланади.

Яқиний малака имтихонини муваффақиятли топширган ўқувчиларга:

узoқ мuddатли ўқишни ўтаганда – дипломлар; ўрта мuddатли ва қисқа мuddатли ўқишни ўтаганда – сертификатлар берилади.

Қасбга ўқитиш марказларида ўқитиш яқунлари бўйича яқиний малака имтихони билан бирга малакани баҳолаш марказини шартнома асосида жалб этган ҳолда ишчиларга малака разрядини ва мутахассисларга малака тоифасини бериш бўйича имтихон ўтказишга йўл қўйилади. Бунда малакани баҳолаш маркази томонидан ўтказилган имтихон муваффақиятли топширилган тақдирда диплом ёки сертификат билан бирга малака паспорти берилади.

Қасбга ўқитиш маркази томонидан берилган диплом тегишли мутахассислик ва малака бўйича ишлаш ҳуқуқини беради.

81-модда. Малакани баҳолаш марказлари

Малакани баҳолаш марказлари касбий малакаси, билими ва кўникмаларини баҳолашдан ўтишни хоҳловчи шахсларнинг касбий малака, билим ва кўникмаларини баҳолашдан ўтказади. Малакани баҳолаш марказлари мустақил юридик шахс ёки юридик шахснинг алоҳида таркибий бўлимига сифатида ташкил этилади.

Малакани баҳолаш марказлари қуйидаги талабларга жавoб бериши керак:

ш-татида (ўриндошликка йўл қўйилади) олий маълумотли ва ариза бевувчи малака, билим ва кўникмаларни баҳолашдан ўтказишга талабгор бўлган йўналишларнинг ҳар бири бўйича қамид а уч йиллик амалий иш стажига эга бўлган, шунингдек Меҳнат органлари ходимлиги малакасини ошириш республика курсларидан ўтган қамид бир нафар ходим бўлиши;
ўз мулкيدا ҳўжалик юритиш ҳўқуқи, оператив бошқариш ҳўқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда моддий-техника базасига, шу жумладан ариза бевувчи малака, билим ва кўникмаларни баҳолашдан ўтказишга талабгор бўлган йўналишларнинг ҳар бири бўйича малака, билим ва кўникмаларни баҳолашдан ўтказиш учун баҳолаш воситаларига эга бўлиши.

Малакани баҳолаш марказлари:

касбий малакаси, билими ва кўникмаларини баҳолашдан ўтишни хоҳловчи шахсларга малака, билим ва кўникмаларни баҳолаш қоидалари ҳамда тартиб-таомиллари тўғрисида зарур ахборот тақдим этади;

малака, билим ва кўникмаларни баҳолашни ташкил этади ҳамда ишчиларга малака разрядини ва мутахассисларга малака тоифасини бериш бўйича имтихонни ва, зарур бўлганда, малака синов ишларини ўтказиш орқали уларни касбий стандартлар талабларига мувофиқлиги жиҳатидан баҳолашдан ўтказади;
малака, билим ва кўникмаларни баҳолаш натижалари тўғрисидаги маълумотларни шакллантиради, Республика кенгаши томонидан тасдиқланадиган шаклдаги малака паспортини расмийлаштиридаи ҳамда беради;

берилган малака паспортлари тўғрисидаги маълумотларни Тасдиқланган малакага эга бўлган шахсларнинг миллий реестрига киритади;

меҳнат органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботни тақдим этади.

Олий маълумотга эга бўлган ва Меҳнат органлари ходимлари малакасини ошириш республика курсларида малака ошириш курсидан ўтган шахс малакани баҳолаш марказининг директори бўлиши мумкин.

Малакани баҳолаш марказининг ташкилий тузилмасига мажбурий тартибда эксперт малака комиссияси киритилиши керак.
Малакани баҳолаш марказларининг фаолияти:
муассисларнинг маблағлари;
малака, билим ва кўникмаларни баҳолашдан ўтказганлик учун киритиладиган тўлов;
қасбга ўқитишга доир давлат бюуртмаси доирасида ажратиладиган маблағлар;
ихтиёрий хайриялар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадли бадаллари, ҳомийларнинг маблағлари ҳамда қонун ҳўжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Малака, билим ва кўникмаларни баҳолашдан ўтказганлик учун киритиладиган тўлов миқдори малакани баҳолаш марказлари томонидан мустақил равишда белгиланади.

Малакани баҳолаш марказлари ўзи берадиган малака паспортларининг фуқаролар вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун борадиган чет давлатларда тан олиниши мақсадида малака, билим ва кўникмаларни баҳолашни амалга оширишга ваколатли бўлган органлар ёки тегишли чет давлатларнинг иш бевувчилари билан ҳамкорлик битимлари тузади.

82-модда. Малакани баҳолаш марказларини аккредитация қилиш тартиби

Малакани баҳолаш марказлари ўз фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида аккредитация қилинади.

Битта малакани баҳолаш марказини касбий фаолиятнинг бир неча турлари (қасблар) бўйича аккредитация қилишга йўл қўйилади.
Малакани баҳолаш марказларини аккредитация қилиш ёки аккредитация қилиши рад этиш тўғрисидаги қарор Республика кенгашининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан қабул қилинади.

Аккредитацияга талабгор бўлган ариза бевувчи – малакани баҳолаш маркази (бундан буён матнда ариза бевувчи деб юритилади) Республика кенгашига қуйидагиларни тақдим этади:

аккредитация олиш учун аризани;
ариза бевувчи малака, билим ва кўникмаларни баҳолашдан ўтказишга талабгор бўлган йўналишларнинг ҳар бири бўйича ўз штатида меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳўқуқий шартнома бўйича қабул қилинган олий маълумотли мутахассис (мутахассислар) маъмулджлигини тасдиқловчи ҳўжатларни;
ўз мулкيدا ҳўжалик юритиш, оператив бошқариш ҳўқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда малака, билим ва кўникмаларни баҳолашдан ўтказиш учун зарур бўлган баҳолаш воситалари, шунингдек малака имтихонини ташкил этиш ва ўтказиш учун мўжжаланган моддий-техника базаси маъмулджлигини тасдиқловчи ҳўжатларни.

Малака, билим ва кўникмаларни баҳолашни ўтказиш учун зарур бўлган баҳолаш воситалари ҳамда баҳолаш усуллари, шу жумладан онлайн тест синовлари учун фойдаланиладиган моддий-техника ресурслари ва дастурий таъминот Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан белгиланади.

Аккредитация олиш учун ариза аккредитация олиш учун тақдим этиладиган ҳўжатлар келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида Республика кенгаши томонидан қўриб чиқилади.

Республика кенгаши аккредитация олиш учун аризани қўриб чиқиш натижалари тўғрисида ариза бевувчини тегишли қарор қабул қилинганидан кейин уч кун ичида хабардор қилиши шарт.

Аккредитация беш йил мuddатга берилади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қуйидаги ҳолларда ариза бевувчи аккредитация қилишни рад этишга ҳақли:

ариза бевувчи томонидан лозим даражада расмийлаштирилмаган ҳўжатлар тақдим этилганда;
ариза бевувчи томонидан тақдим этилган ҳўжатларда ишонсиз ёки нотўғри маълумотлар мавжуд бўлганда;
ариза бевувчи ушбу Қонунда назарда тутилган талабларга ва шартларга мувофиқ бўлмаганда.

Аккредитация қилишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарор ариза бевувчига рад этиш сабабларини ҳамда ариза бевувчи маъзур сабабларни бартараф этиш, ҳўжатларни тарқоран қўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган мuddат (ўттиз календарь кун ичида) қўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Аккредитация қилиш рад этилган тақдирда аккредитация олиш учун аризани қўриб чиққанлик учун тўланган йиғим қайтарилмайди.

Ҳўжатларни таққоран қўриб чиқиш ариза бевувчининг аккредитация олиш учун аризаси барча зарур ҳўжатлар билан бирга олинган кундан эътиборан беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан амалга оширилади. Аккредитация олиш учун аризани тарқоран қўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

Тарқоран қўриб чиқиш натижаларига кўра аккредитация қилиш рад этилган тақдирда аккредитация олиш учун аризаларни кейинги ҳар бир қўриб чиқишлар учун ариза бевувчидан ушбу Қонунда назарда тутилган тўлов ундирилади.

Ариза бевувчининг аккредитация олиш учун аризасини тарқоран қўриб чиқиш чоғида аккредитация қилишни рад этиш тўғрисидаги хабарномаларда илгари қўрсатилмаган янги асослар бўйича аккредитация қилишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Аккредитация қилишни рад этишга асос бўлган сабабларни бартараф этиш учун берилган мuddат ўтган, ариза бевувчининг аккредитация олиш учун аризаси янгитдан тақдим этилган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг қароридан норози бўлган тақдирда ариза бевувчи аккредитация қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳўқуқига эга.

83-модда. Малака, билим ва кўникмаларни баҳолашдан ўтказиш тартиби

Малака, билим ва кўникмаларни баҳолаш:

касбий малакаси, билими ва кўникмаларини баҳолашдан ўтишни хоҳловчи шахснинг ташаббусига кўра – ушбу шахснинг маблағлари ҳисобидан;

иш бевувчининг йўланмасига кўра – иш бевувчининг маблағлари ҳисобидан;

қасбга ўқитиш марказига хизматлар қўрсатиш доирасида – қасбга ўқитиш марказининг маблағлари ҳисобидан ўтказилади.

Малакани баҳолашдан ўтиш учун иш касбий малакаси, билими ва кўникмаларини баҳолашдан ўтишни хоҳловчи шахс (иш бевувчи, қасбга ўқитиш маркази) томонидан қуйидаги ҳўжатлар малакани баҳолаш марказига бевосита ёки почта алоқаси орқали ёхуд аворот-коммуникация технологияларида фойдаланган ҳолда электрон шаклда тақдим этилади:

ишчиларга малака разряди ва мутахассисларга малака тоифаси бериш бўйича имтихонда иштирок этиш тўғрисидаги ариза;
паспортнинг ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳўжатнинг кўчирма нусخаси;

малака, билим ва кўникмаларни баҳолашдан ўтказганлик учун хизматларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳўжатининг кўчирма нусхаси;
зарур бўлганда, агар қонун ҳўжатларига назарда тутилган бўлса, касбий фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун тегишли рўхсат олинганлиги тўғрисидаги ҳўжатларнинг кўчирма нусхалари.

Ариза ва у билан қўшиб топшириладиган ҳўжатлар тўплами малакани баҳолаш марказида улар келиб тушган кундан эътиборан ўн йил давомида сақланади.

Малакани баҳолаш маркази ариза бевувчини ҳўжатлар қўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги, ишчиларга малака разряди ва мутахассисларга малака тоифаси бериш бўйича имтихонни ўтказиш санаси, вақти, вакти ва тартиб-таомиллари тўғрисида беш иш куни ичида хабардор қилади.

Ишчиларга малака разряди ва мутахассисларга малака тоифаси бериш бўйича имтихонга узрли сабабга (қасаллик ёки ҳўжатлар билан тасдиқланган бошқа ҳолатларга) кўра келмаган шахс имтихонни малакани баҳолаш маркази томонидан белгиланган мuddатда қайта топширишга қўйилади.

Шахс ишчиларга малака разряди ва мутахассисларга малака тоифаси бериш бўйича имтихонга узрли сабабсиз келмаган тақдирда, ушбу шахс учун имтихон бекор қилинади, илгари амалга оширилган тўлов эса қайтарилмайди.

Малака, билим ва кўникмаларни баҳолашдан ўтказиш учун мўжжаланган баҳолаш воситалари ҳамда баҳолаш усуллари, шу жумладан фойдаланиладиган моддий-техника ресурслари ва онлайн-синов учун дастурий таъминот Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан белгиланади.

84-модда. Малака, билим ва кўникмаларни баҳолашдан ўтказиш натижалари

Малака, билим ва кўникмаларни баҳолаш натижалари беш балли тизим бўйича баҳоланади.

Агар шахс малака, билим ва кўникмаларни баҳолашдан ўтказиш яқунларига кўра уч ва ундан юқори балл олса, унга уз кунлик мuddатда малака паспорти, агар ундан паст балл олса, малака, билим ва кўникмалар баҳолашдан ўтказилганлиги тўғрисида хулоса берилади.

Малака, билим ва кўникмаларни баҳолаш натижалари баённома билан расмийлаштирилади.

Малакани баҳолаш маркази томонидан ишчиларга малака разряди ва мутахассисларга малака тоифаси бериш бўйича имтихонни ўтказиш яқунларига кўра қабул қилинган қарорлардан норози бўлган шахслар имтихондан ўттиш натижалари тўғрисида ўзлари хабардор қилинган санадан эътиборан ўн календарь кун ичида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ёзма равишда шикоят беришга ҳақли.

Ишчиларга малака разряди ва мутахассисларга малака тоифаси бериш бўйича имтихонни ўтказиш натижалари ва малака паспортларини бериш билан боғлиқ шикоятларни қўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан белгиланади.

Берилган малака паспортлари тўғрисидаги маълумотлар Тасдиқланган малакага эга бўлган шахсларнинг миллий реестрига киритилади.

85-модда. Тасдиқланган малакага эга бўлган шахсларнинг миллий реестри

Тасдиқланган малакага эга бўлган шахсларнинг миллий реестри Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан юритилади.

Тасдиқланган малакага эга бўлган шахслар миллий реестрининг электрон платформасини, шунингдек малакани баҳолаш марказлари фаолиятининг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва таъминлаб бориш Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Тасдиқланган малакага эга бўлган шахсларнинг миллий реестрида қуйидагилар қўрсатилиши керак:

тартиб рақами;
идентификация рақами (автоматик равишда ҳосил бўладиган ноёб рақам);

талабгорнинг (касбий малакаси, билими ва кўникмаларини баҳолашдан ўтишни хоҳловчи шахснинг) фамилияси, исми, отасининг исми;

талабгорнинг (касбий малакаси, билими ва кўникмаларини баҳолашдан ўтишни хоҳловчи шахснинг) паспорт маълумотлари;

малака, билим ва кўникмалар баҳолашдан ўтказилган қасб (мутахассислик) (ёки тегишли чет тили);
малака, билим ва кўникмалар баҳолашдан ўтказилган қасб (мутахассислик) коди (бундан чет тилини билишга доир имтихон топширилган ҳоллар мустано);

тегишли қасб (мутахассислик) бўйича малака, билим ва кўникмаларни ёки чет тилини баҳолаш;
чет давлат қонун ҳўжатларининг базавий асосларини билиш даражасини баҳолаш – мавжуд бўлган тақдирда;

малакани баҳолаш марказининг номи ва жойлашган ери (почта манзили);

телефон (факс) рақами;
раҳбаринг фамилияси, исми, отасининг исми;
ишчиларга малака разряди ва мутахассисларга малака тоифаси бериш бўйича имтихонни топшириш санаси ва вақти;
берилган малака паспортлари тўғрисида ахборот;
аккредитация қилинган сана ва аккредитация рақами.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Тасдиқланган малакага эга бўлган шахсларнинг миллий реестрига жойлаштириш учун талаб қилинаётган ахборот турларини тўлдириши мумкин.

Тасдиқланган малакага эга бўлган шахсларнинг миллий реестридаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ҳамда танишиш учун очиқ бўлади.

Тасдиқланган малакага эга бўлган шахсларнинг миллий реестри қасблар (мутахассисликлар), чет тилларнинг турлари ва бошқа белгилар бўйича ажратилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан белгиланган тартибда малакани баҳолаш марказлари ушбу мuddатнинг учинчи қисмида назарда тутилган маълумотларни Тасдиқланган малакага эга бўлган шахсларнинг миллий реестрига электрон рақамли имзони қўллаган ҳолда, ҳимояланган тарзда фойдаланиши йўли билан мустақил равишда киритади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги малакани баҳолаш марказлари томонидан малакаси, билими ва кўникмалари баҳолашдан ўтказилган шахсларнинг малакаси, билими ва кўникмаларини баҳолаш сифатини текшириш, шу жумладан учинчи тарафини жалб этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари ҳисобидан текшириш ҳамда текширув яқунларига кўра малака паспорти олган шахсларнинг Тасдиқланган малакага эга бўлган шахсларнинг миллий реестрида бўлиши тўғрисида қарор қабул қилиш ҳўқуқига эга.

86-модда. Аккредитация қилинган малакани баҳолаш марказларининг реестри

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Аккредитация қилинган малакани баҳолаш марказларининг реестри юритилади.

Аккредитация қилинган малакани баҳолаш марказларининг реестри ахборот-маълумотнома хусусиятга эга бўлган, вақти-вақти билан янгилаб туриладиган маълумотларни ўз ичига олган автоматлаштирилган тизимдир ва у малака, билим ва кўникмаларни баҳолаш билан шуғуланувчи юридик шахсларнинг давлат томонидан ҳисобга олинишини таъминлайди.
Аккредитация қилинган малакани баҳолаш марказларининг реестрини юритиш учун бевосита аккредитация қилинган ташкилотдан келиб тушадиган маълумотлардан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг, шунингдек зарур ҳолларда, солиқ органларининг, давлат мулкни бошқариш органларининг ҳамда бошқа давлат органларининг маълумотларидан фойдаланилади.

Аккредитация қилинган малакани баҳолаш марказларининг реестридаги ахборотдан ҳамма фойдаланиши мумкин ҳамда у Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

87-модда. Малакани баҳолашдан ўтказиш сифатига ва белгиланган талабларга риюа этилиши устидан назорат қилиш

Меҳнат органлари малакани баҳолаш марказлари томонидан ушбу Қонун талабларига риюа этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Малакани баҳолаш марказлари меҳнат органларига Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабат

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Аҳоли бандлиги тўғрисида

(**Давоми. Бошланиши 1, 2, 3, 4, 5, 6-бетларда.**)

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг ижро этувчи органи вазифаларини амалга оширувчи масул бўлиминани белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, ҳудудий ҳамда маҳаллий меҳнат органлари Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши учун жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан фойдаланилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

94-модда. Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан фойдаланиш йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан қуйидагилар учун фойдаланилади:
ишсизлик нафақаларини, ишсиз шахслар меҳнат органларининг таълифига биноан ишлаш учун бошқа жойга ихтиёрий равишда кўнб кетиши муносабати билан компенсациялар тўлаш, ишсиз шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш;
иш қидираётган шахслар ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни молиялаштириш, шу жумладан грантлар ва стипендиялар ажратиш;
Ўзбекистон Республикаси Базирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида амалга ошириладиган бир марталиқ тўловлар учун;
иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга мuddатидан илгари пенсиялар тайинланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатлари ўрнини қоплаш;

касбга ўқитиш марказлариغا (кейинчалик хизматлари учун ҳақ тўлаган ҳолда) касбга ўқитишга доир давлат буюртмасини молиялаштириш;

меҳнат органлари ва тасарруфидаги ташкилотлар, вақтинча бир марталиқ иш билан таъминлаш марказлари, касбга ўқитиш марказлари, малакани баҳолаш марказлари учун бинолар ва хоналари куриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш, сақлаб туриш, қайта ихтисослаштириш, моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, шунингдек сотиб олиш;

коворкинг-марказларининг, ишсиз шахсларнинг бандлигини қўлаб-қувватлаш «Маҳалла гузар» маҳалла марказларининг ташкил этилиши ва сақланишини молиялаштириш;

ногиронлиги бўлган шахслар ва бошқа аҳолининг ихтимойй эҳтиёжманд тоифаларига мансуб шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш учун ихтисослаштирилган иш ўринларини ташкил этишга доир тадбирлари қисман молиялаштириш;

бандлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнатни нормалаш ҳамда унга ҳақ тўлаш масалалари бўйича норматив-усулбий ва йил-ўйр қўрсатувчи материаллар ишлаб чиқилишини молиялаштириш;

аҳолининг айрим гуруҳлари ўртасида бандлик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат миграцияси масалалари бўйича республика ҳамда ҳудудий даражадада социолог текширувлар, сурвонмалар ўтказиш;

банд бўлмаган аҳолига ишга жойлашиш бўйича ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш;

меҳнат бозоридаги вазият кескин бўлган туманлар ва шаҳарларда аҳоли бандлигига кўмаклашиш ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилишини молиялаштириш;

ишга жойлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш, бўш (вакант) иш ўринларини ҳамда банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш соҳасида ахборот-коммуникация тизимлари ва технологияларини яратиш, ривожлантириш ҳамда техник жиҳатдан қўлаб-қувватлаш;

меҳнат органларининг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги марказий девонининг моддий-техника базасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлари молиялаштириш;

аҳоли бандлиги соҳасидаги халқаро ҳамкорлики, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишга юборилган фуқароларни ишга жойлаштириш ва уларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш масалаларига доир халқаро лоийхалар ҳамда шартномаларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишга жойлаштириш билан боғлиқ харажатларни тўлаш учун тижорат банкларида очиладиган кредит линиялари бўйича меҳнат мигрантлариغا микроқарзлар бериш;

фуқаролар Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширган даврда уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳамда бошқа таваккалчиликларини суғурталаш бўйича суғурта пули суммасининг ўрнини қоплаш учун суғурта компанияларига бир йўла бериладиган субсидиялар бериш;

меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича касбий стандартлар ва малака талаблари ишлаб чиқилишини молиялаштириш;

кейинчалик янги иш ўринлари ташкил этилишини назарда тутувчи лоийхаларни амалга оширишга банклар томонидан кредитлар ажратилиши учун тижорат банкларида очиладиган кредит линиялари бўйича ресурсларни жойлаштириш;

тадбиркорлик фаолиятини бошланги хоҳлаётган иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга акка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтишга, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир харажатларни тўлаш учун бир йўла бериладиган субсидиялар бериш;

аҳолининг ихтимоий эҳтиёжманд тоифаларидан бўлган шахсларни ишга белгиланган захирага қўйилган иш ўринларининг энг кам сонидан ортиқ миқдорда қабул қилган ташкилотларга бир йўла бериладиган субсидиялар бериш;

маҳаллий меҳнат органларининг йўналмаси бўйича ишга қабул қилинган аҳолининг ихтимоий эҳтиёжманд тоифаларидан бўлган ходимларни касбга ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишга доир харажатларни молиялаштириш учун иш бевуvcиларга бир йўла бериладиган субсидиялар бериш;

енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, уруғликлар, қўчатлар ва сугориш воситалари сотиб олиш учун жисмоний шахсларга субсидиялар бериш;

иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун грантлар ажратиш;

иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни, айниқса кам таъминланган оилалардан бўлган хотин-қизларни касбга қайта ўқитишга доир харажатларни молиялаштириш учун касб-хунар таълими муассасаларига грантлар ажратиш;

касбга ўқитиш марказларида, коллежларда ва олий таълим муассасаларида фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда ходимларини, деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ва аъзоларини, томорқа ер участкалари эгаларини агротехнологиялар, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балқичилик ва асаларичилик соҳасида касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш учун грантлар ажратиш;

меҳнат бозоридаги вазият кескин бўлган ҳудудларда иш ўринлари ташкил этувчи тадбиркорлик субъектларининг устав фондини шакллантириш (кўпи билан эллик фоиз);

иш ўринларини ташкил этиш учун давлат буюртмасини олган ташкилотларга ва иш ўринлари ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектлариغا Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг эллик фоизидан кўп бўлмаган ставка бўйича суддалар бериш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бошқа тадбирлар.

95-модда. Янги иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш ҳудудий жамғармалари

Янги иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш ҳудудий жамғармалари (бундан бўён матнда ҳудудий жамғарма деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузурида давлат муассасалари шаклида ташкил этилади.

Қуйидагилар ҳудудий жамғармаларнинг маблағларини шакллантириш манбаларидир:

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг прогноз параметрларини ошириб бажаришдан қирқ фоизгача бўлган миқдордаги ҳар чораклик тушумлар;

маҳаллий, хоржий иш ва халқаро ташкилотларнинг грантлари ҳамда бегараз ёрдами;

жисмоний ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳамда норезидентлари бўлган хайрия қилувчиларнинг белгиланган тартибда тақдим этиладиган маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ҳудудий жамғармалар маблағларидан фойдаланиш устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва бошқа ваколатли органларнинг зиммасига юклатилади.

96-модда. Ҳудудий жамғармалар маблағларидан фойдаланиш йўналишлари

Ҳудудий жамғармалар маблағларидан қуйидагилар учун фойдаланилади:

тадбиркорлик субъектларининг барқарор иш ўринлари ташкил этилишини, айниқса қишлоқ жойларда ташкил этилишини назарда тутувчи лоийхаларини кейинчалик кредитлар билан қўлаб-қувватлаш учун тижорат банкларида кредит линияларини очиш;
ишчи кучи кўп бўлган туманлар ва шаҳарларда давлат-хусусий шериклик шартларига асосан кўпроқ аҳолининг ихтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун янги иш ўринлари ташкил этилишини назарда тутувчи ташкилотларни ҳудудий жамғармаларнинг тузилган ташкилотлардаги улушини кейинчалик хусусий шерикларга реализация қилиш шарти билан ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорларига кўра иш ўринларини ташкил этишга ҳамда аҳоли бандлигига кўмаклашишга қаратилган бошқа тадбирларни амалга ошириш.

Ҳудудий жамғармалар маблағларининг камида эллик фоизи асосан туманлар ва шаҳарларда янги иш ўринлари ташкил этилишини назарда тутувчи кичик ҳамда мини-лойиҳалари амалга оширишга тижорат банклари томонидан кейинчалик микрокредитлар ажратиш учун мазкур банкларда кредит линияларини очишга йўналтирилади.

Микрокредитлар кичик тадбиркорлик субъектлариغا, фермер ва деҳқон хўжалиқларига, оилавий тадбиркорлик субъектларига қуйидагилар учун ажратилади:

шахсий томорқа ва деҳқон хўжалиқларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида иссиқхоналар ташкил этиш, уруғликлар, қўчатлар, чорва моллари ҳамда паррандалар, қишлоқ хўжалиги ашё-анжомлари ва ускуналари, сугориш қурилмалари (насослар, артезиан қудуқлар ва бошқаларни) сотиб олиш;

қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ҳамда қадқоқлаш, қурилиш материаллари, озик-овқат ва ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун замонавий мини-ускуналар ҳамда хомашё сотиб олиш;

хизматлар кўрсатиш соҳасидаги, айниқса маиший, таъмирлаш, таълим, тиббиёт, ахборот-коммуникация хизматлари кўрсатиш ҳамда хизматларнинг талаб юқори бўлган бошқа турлари соҳасидаги ташкилотларни ташкил этиш ва жиҳозлаш;

қишлоқ туманларида, айниқса хотин-қизлар ўртасида касаначиликни ривожлантириш;

туманлар ва шаҳарларнинг ишлаб чиқаришга оид ихтисослашувини, мажмуў минерал-хомашё, ер, қишлоқ хўжалиги ресурсларини ва бошқа ресурсларни ҳисобга олган ҳолда бошқа йўналишларни ривожлантириш.

97-модда. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси (бундан бўён матнда Жамоат ишлари жамғармаси деб юритилади) юридик шахс ҳуқуқи асосида тузилган.

Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш бўйича харажатларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Жамоат ишлари жамғармасига ажратиладиган маблағлар;

халқаро молия институтлари грантлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг, хайрия жамғармаларининг ихтиёрий хайриялари, бошқа хорийжий донорларнинг маблағлари;

ассоий воситалар, мини-ускуналар ва ашё-анжомлар ижарасидан олинадиган даромадлар;

Жамоат ишлари жамғармасининг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан жамоат ишларини молиялаштиришга йўналтириладиган бюджет ажратмаларининг ҳажмлари ҳар йили аникландаш ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланади.

Жамоат ишлари жамғармаси даромадлари солиқ солиш объекти бўлмайдиган ва молия йили давомида қайта қўриб чиқилиши мумкин эмас.

Васийлик кенгаши Жамоат ишлари жамғармасининг юқори бошқарув органидир.

Жамоат ишлари жамғармаси маблағларини бошқариш Ижро этувчи дирекция томонидан амалга оширилади.

Жамоат ишлари жамғармаси маблағларининг шаклланиши ва келиб тушишини прогноз қилиш бўйича ҳисобни юритиш ҳамда ҳисоботни тузиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ижро этувчи дирекция томонидан амалга оширилади.

Васийлик кенгашининг таркиби, шунингдек Ижро этувчи дирекциянинг тузилмаси ва ходимлари сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Жамоат ишлари жамғармасининг маблағларидан фойдаланилиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳамда бошқа ваколатли органларнинг зиммасига юклатилиди.

98-модда. Жамоат ишлари жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг ассоий йўналишлари

Жамоат ишлари жамғармаси маблағларидан қуйидагиларни молиялаштириш учун фойдаланилади:

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаши;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларида фойдаланиш, шу жумладан уларни жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларга, бир марталиқ, вақтинча ёки маъсумий ишлар билан шуғуланувчи шахсларга ижара шартлари асосида бериш орқали фойдаланиш учун мўлжалланган ассоий воситалар, мини-ускуналар ва ашё-анжомларни олишни, шунингдек аҳоли бандлигини таъминлашни, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида таъминлашни назарда тутувчи бошқа тадбирлари амалга ошириш;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларини бажариш учун махсус кийим-бош ва хавфсизлик техникаси воситалари олиниш;

қишлоқ, коммунал хўжалиги, йўл-транспорт соҳасидаги ва аҳоли бандлигига кўмаклашишга доир чора-тадбирларни рағбатлантиришга қаратилган бошқа тармоқлардаги инфратузилмани яратиш бўйича ишларни амалга ошириш учун субсидиялар ва грантлари;

Жамоат ишлари жамғармасини сақлашни, шу жумладан ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни, билонлари, алоқа ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини сақлашни, хўжалик харажатларини ва бошқа харажатларни;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларини амалга ошириш, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириш бўйича ташкилотларни белгиланган тартибда ташкил этишни, шунингдек устав фондида иштирок этиш орқали уларнинг фаолиятига кўмаклашишни;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларини амалга ошириш масалаларига доир ахборот материалларини тайёрлаш ва эълон қилишни, кўргазмани ахборот тайёрлашни, материалларни оммавий ахборот воситаларида жойлаштиришни;

Меҳнат органлари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармасига маблағларни тижорат банкларига жойлаштиришдан олинадиган даромадларнинг эллик фоизи ҳақидада ажратмалар қилишни.

Жамоат ишлари жамғармасининг ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ходимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришининг барча шартлари таъбиқ этилади.

Жамоат ишлари жамғармасининг жорий йилда фойдаланилмаган маблағларининг қолдиқлари кейинги молия йилга ўтказилади ва кейинги йил учун маблағлар ажратилаётганда ҳисобга олинади.

99-модда. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўлаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўлаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси (бундан бўён матнда

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўлаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси деб юритилади) юридик шахс мақомига эга бўлади.

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўлаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси даромадларини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўлаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасига ажратиладиган маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан тузилган лицензия битими доирасида фуқароларни вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига юборишни амалга оширувчи ташкилотларнинг белгиланган миқдордаги маблағларини, захирага қўйилган сумма сарфлаб юборилган тақдирда маблағларни тўлдириш, шунингдек фуқароларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишга жойлаштириш ҳуқуқи учун лицензиянинг амал қилиши тугатилган тақдирда маблағларни қайтариш шарти билан захирага қўйиш;

бўш турган маблағларни тижорат банкларидаги ва бошқа молиявий воситалардаги депозитларга жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Кузатув кенгаши Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўлаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасининг юқори бошқарув органидир.

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўлаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасининг маблағларини бошқариш Ижро этувчи дирекция томонидан амалга оширилади.

Кузатув кенгашининг таркиби, Ижро этувчи дирекциянинг тузилмаси ва ходимлари сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томондан тасдиқланади.

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўлаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасининг маблағларидан фойдаланиш устидан назорат қилиш Кузатув кенгашининг, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг, Молия вазирлигининг ҳамда бошқа ваколатли органларнинг зиммасига юклатилади.

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўлаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси маблағларини бошқариш Ижро этувчи дирекция томонидан амалга оширилади.

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўлаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланиш учун жавобгарлик Ижро этувчи дирекциянинг зиммасига юклатилади.

100-модда. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўлаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг ассоий йўналишлари

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўлаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси маблағларидан қуйидагилар учун фойдаланилади:

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида зуравонликка, мажбурий меҳнатга ва камситилишга, меҳнатга оид ва бошқа ҳуқуқлари бузилишига дучор бўлган, мураккаб молиявий аҳволга тушиб қолган ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари, тиркичилик учун зарур бўлган маблағларсиз қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ихтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, шунингдек уларга моддий ёрдам кўрсатиш;

меҳнат миграциясида бўлган даврда жароҳатланиши, бахтсиз ҳодиса, ўткир ёки оғир касаллиги сабабли тиббий ёрдам талаб этилган фуқароларга кўрсатилган тиббий хизматлар ҳақини меҳнат мигрантининг маблағлари ҳисобидан тўлаш имконияти бўлмаган тақдирда, тўланган маблағларнинг ўрнини мазкур фуқаролар томонидан кейинчалик қоплаган ҳолда, тиббий хизмат кўрсатиш;

ишга жойлашилган давлатнинг тегишли органлари томонидан мазкур факт тасдиқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида меҳнат миграциясида бўлган даврда вафот этган фуқароларнинг жасадларини, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги вақтинчалик меҳнат фаолияти вақтида меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келган шикастланиш ёки жиддий жароҳатлар олган фуқароларни олиб келишни ташкил этиш;

илгари уюшган ҳолда танлаш доирасида Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишга юборилган ва бўлиб турилган мамлакатнинг қонун ҳужжатларини бузиши оқибатида чиқариб юборилган (депортация қилинган) фуқароларни тўлан

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Аҳоли бандлиги тўғрисида

(**Давоми. Бошланиш 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7-бетларда**).

чет эллик фуқароларнинг касбий-малакавий мансублиги текирувини ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларга мувофиқ амалга оширади.

Мехнат органлари, Ташки меҳнат миграцияси агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ҳар чоракда юқори малакали ва малакали мутахассисларнинг даромадларидан тўланган солиқлар суммаларини текириш амалга оширилади.

Иш берувчилар ва (ёки) чет эллик фуқаролар томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқномаларнинг шартлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бўзилганлиги аниқланган тақдирда, аниқланган қондабузарликларни бартараф этиш тўғрисида меҳнат органлари томонидан тегишли кўрсатмалар юборилади.

Кўрсатмаларда аниқланган қондабузарликларни бартараф этишнинг улارни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутоносиб мuddатлари кўрсатилиши керак.

Аниқланган қондабузарликлар меҳнат органларининг иш берувчиларга ва (ёки) чет эллик фуқароларга берилган кўрсатмаларида кўрсатилган мuddатларда бартараф этилмаган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқномаларнинг амал қилиши тугатилади.

109-модда. Юқори малакали ва (ёки) малакали мутахассисларни Ўзбекистон Республикасида ишга жойлаштиришнинг алоҳида тартиби

Кўйдаги чет эллик фуқаролар юқори малакали мутахассислар деб эътироф этилади:

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланadиган, халқаро миқёсда тан олинган ташиқлотлар рейтингида олий таълим муассасалари ўртасида биринчи 1 000 ўринни эгалловчи олий таълим муассасаларини битирганлар;

талаб қилинган мутахассислик ёқдў дипломидаги мутахассислик бўйича камида беш йиллик иш тажрибасига эга бўлганлар;

Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятига жалб этиш шартларида йилга олтимш миңг АКШ доллари эквивалентидаги суммадан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи (мукофот пули) олиши назарда тутилганлар.

Кўйдаги чет эллик фуқаролар малакали мутахассислар деб эътироф этилади:

олий маълумотга эга бўлганлар;

талаб қилинган мутахассислик ёқдў дипломидаги мутахассислик бўйича камида беш йиллик иш тажрибасига эга бўлганлар;

Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятига жалб этиш шартларида йилга ўттиз миңг АКШ доллари эквивалентидаги суммадан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи (мукофот пули) олиши назарда тутилганлар.

110-модда. Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучини жалб этиш ва ундан фойдаланиш тартиби ўзига нисбатан таътиб этилмайдиган чет эллик фуқаролар

Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучини жалб этиш ва ундан фойдаланиш тартиби кўйдаги чет эллик фуқароларга нисбатан таътиб этилмайди:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида акредитация қилинган чет давлатлар доимий ваколатхоналарининг, халқаро ҳукуматлараро ташиқлотлар ва чет давлатлар ҳукумат ташиқлотлари ваколатхоналарининг ходимларига, шунингдек дипломатиқ мақомга эга бўлган бошқа шахсларга;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларига асосан лавозимга тайинланadиганларга;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг илтимосномаларига кўра, туризм соҳасидаги ишларга у ойғана мuddатга жалб этиладиган мутахассисларга;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган ёки ташиқ этилаётган хорижий ёки қўшма қорхоналар таъсисчилари бўлган, у ойғана мuddатга келадиган фуқароларга;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномаларига мувофиқ ташиқ этилган ташиқлотларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган илм-фан ва маданият арбобларига;

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг ўқув дастурлари доирасида таътиб вақтида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган талабаларга;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида акредитация қилинган оммавий ахборот воситалари вакилларига;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан акредитация қилинган нодавлат нотижорат ташиқлотларининг, шунингдек халқаро ва чет эл нодавлат (ноҳукумат) нотижорат ташиқлотлари ваколатхоналари ҳамда филиалларининг ходимларига;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан акредитация қилинган чет эл тижорат ташиқлотлари ваколатхоналарининг ходимларига;

Президент мактабларига, шунингдек олий таълим муассасаларига ишлаш учун жалб этиладиган ўқитувчилар ва мутахассисларга;

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини олган шахсларга;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ишга жойлаштиришнинг бошқача тартиби белгиланган шахсларга.

111-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқномаларни бериш тартиби

Иш берувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқномани олиш учун давлат хизматлари марказларига шахсан келиб мурожаат қилади. Иш берувчи тасдиқномани электрон шаклда олиш учун ЯИДХП ёки онлайн-майдонда рўйхатдан ўтади.

Аризани кўриб чиқанлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йнғим ундирилади.

Аризани кўриб чиқиш учун йнғимлар суммалари солиқ солиш объекти бўлмайди.

Шахсан келиб мурожаат қилинганда, давлат хизматлари марказлари ариза тўндирилган пайдан эътиборан бир соат ичида аризани Ташқи меҳнат миграцияси агентлигига ва тегишли ҳудудий меҳнат органига юборади.

ЯИДХП ёки онлайн-майдонча орқали мурожаат қилинганда ариза автоматик тарзда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигига ва тегишли ҳудудий меҳнат органига юборилади.

Ариза келиб тушган кундан эътиборан ўн беш иш куни ичида ҳудудий меҳнат органи:

чет эллик фуқароларни жалб этишнинг мақсадга мувофиқлигини иш берувчи томонидан кўрсатилган бўш (вакант) иш ўринлари учун маҳаллий ишчи кучи мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ўрганади;

ЯИДХП ёки онлайн-майдонча орқали Ташқи меҳнат миграцияси агентлигига чет эллик фуқароларни жалб этишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги хулосасни электрон шаклда юборади.

Ариза келиб тушган кундан эътиборан ўн беш иш куни ичида Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги:

жалб этилаётган чет эллик фуқароларнинг сони ва мутахассислари (лавозимлари) иш берувчининг ишчи кучига бўлган ҳақиқий эътиёжига мувофиқлигини ўрганади;

давлат хизматлари марказларига (шахсан келиб мурожаат қилинганда) ёки иш берувчига (электрон шаклда мурожаат қилинганда) ЯИДХП ёки онлайн-майдонча орқали қабул қилинган қарор тўғрисидаги хабарномани юборади, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқнома бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқнома бериш учун йнғим миқдорини кўрсатган ҳолда юборади.

Иш берувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқнома бериш тўғрисидаги хабарнома келиб тушгандан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқнома бериш учун кўйдаги миқдорлардаги йнғим тўловини беш иш куни ичида амалга оширади:

юқори малакали мутахассислар, шунингдек Президент мактабларига ва олий ўқув юрталарига ишлаш учун жалб этилаётган



ўқитувчилар ҳамда мутахассислар учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорига;

малакали мутахассислар учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорига;

ватандошлар учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорига;

бошқа чет эллик фуқаролар учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорига.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқнома бериш учун йнғим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари воситасида амалга оширилади.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқнома расмийлаштирилган кунда уни Давлат хизматлари марказига (шахсан келиб мурожаат қилинганда) ёки иш берувчига (электрон шаклда мурожаат қилинганда) ЯИДХП ёки онлайн-майдонча орқали юборади. Давлат хизматлари маркази тасдиқнома келиб тушгандан кейин бир соат ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқнома келиб тушгандан кейин бир соат ичида тасдиқномани унга ўз муҳрини кўйган ҳолда иш берувчига юборади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқнома бериши рад этиш учун кўйдагилар асос бўлади: аризада нотўғри маълумотлар кўрсатилганлиги; тегишли ҳудудий меҳнат органининг чет эллик фуқароларни жалб этиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги хулосаси мавжудлиги;

жалб этилаётган чет эллик фуқаролар сони ва мутахассисларининг (лавозимларининг) иш берувчиларининг ишчи кучига бўлган ҳақиқий эътиёжига мувофиқ эмаслиги;

жалб этилаётган чет эллик фуқаролар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқномалар олмаган ҳолда меҳнат шартномаси бўйича ишга қабул қилинганлиги фактининг мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқнома беришни бошқа сабабларга кўра рад этиш тақиқланади.

112-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқноманинг амал қилишини тугатиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқноманинг амал қилиши кўйдаги ҳолларда тугатилади: чет эллик фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда; чет эллик фуқаро билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат шартномаси мuddатидан олдин тугатилганда; юридик шахс бўлган иш берувчи тугатилганда – тугатилган пайдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда – қайта ташкил этилган пайдан эътиборан, бундан янги юзага келган юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган санада қайта ташкил этилаётган юридик шахсларда айна бир ҳаракатни ва (ёки) фаолиятни бажариш ва (ёки) амалга ошириш учун рўхсат бериш хусусиатига эга ҳужжат мавжуд бўлган тақдирда, унинг ўзгартирилиши, шунингдек қўйиб юборилиши мустасно;

иш берувчи жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганда;

иш берувчи бўлган жисмоний шахс вафот этганда, унинг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланганда, у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

аниқланган қондабузарликлар меҳнат органларининг чет эллик фуқароларга берилган кўрсатмаларида кўрсатилган мuddатларда бартараф этилмаганда;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқноманинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатлар суд белгиланган мuddатда чет эллик фуқаролар томонидан бартараф этилмаганда;

Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқнома бериш тўғрисидаги қарори қонунга хилоф эканлиги аниқланганда; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқноманинг амал қилиш мuddати тугагандан.

Иш берувчи билан шартнома мuddатидан олдин бекор қилинганидан сўнг юқори малакали ва малакали мутахассислар ўттиз иш куни ичида янги иш берувчини топишга ҳақли. Ушбу даврда уларга аввал берилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқномалар, визалар ва яшаш гувоҳномаларининг амал қилиши сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқноманинг амал қилиш мuddатини узайтириш учун иш берувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқноманинг амал қилиш мuddати тугагунига қадар йнғирма иш куни олдин мурожаат қилади.

113-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқномаларнинг амал қилиш мuddати

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқномалар юқори малакали ва малакали мутахассислар учун меҳнат шартномаларининг амал қилиш мuddатига, бироқ кўпи билан ўн йилга, чексиз миқдорда узайтириш имконияти билан, аммо ҳар бир ҳолатда кўпи билан ўн йилга берилади. Бунда юқори малакали ва малакали мутахассислар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўриндошлик асосида ишлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқнома олмаган ҳолда ўриндошлик асосида ишлаш ҳуқуқига эга.

Бошқа чет эллик фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқномалар меҳнат шартномасининг амал қилиш мuddатига, бироқ кўпи билан бир йилга, чексиз миқдорда узайтириш имконияти билан, аммо ҳар бир ҳолатда кўпи билан бир йилга берилади.

18-боб. Меҳнат бозори ва аҳоли бандлиги инфратузилмасини ривожлантиришга доир ахборот технологиялари

114-модда. «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини юритиш


Меҳнат бозори ва аҳоли бандлиги инфратузилмасини ривожлантиришга доир ахборот технологиялари бандлики тартибга солиш соҳасида вақт, меҳнат, қувват ҳамда моддий ресурслар сарфланшини камайтириш учун ахборот жараёнини самарали ташкил этишга доир маълумотларни тўплаш, уларга ишлов бериш ва улارни узатиш воситалари ҳамда усулбарларини мажмуидир.

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси қўйндагиларни таъминлайди:

иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузиш, меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига доир ахборот тўғрисидаги электрон маълумотлар базасини шакллантиришни; фуқароларнинг электрон меҳнат дафтарчасида ходимларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш тўғрисидаги маълумотларга, ҳисобланган иш ҳақи ва жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан тўланган солиқлар, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси ҳисобварақларига тўловлар ҳақидаги ахборотга асосланган меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва юритишни;

аҳоли бандлиги соҳасида давлат сиёсати олиб борилишини мувофиқлаштиришни ва унинг самарадорлигини ошириш учун меҳнат бозори кўрсаткичларининг ҳолати ва суръатлари тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган маълумотлари идоралараро тизимлаштирилган тарзда ва мунтазам равишда электрон алмашшини жорий этишни;

ходимлар ҳамда ишчиларнинг сон ва сифат жиҳатидан таркиби, бўш (вакант) иш ўринлари ҳақида автоматик режимида тузилган,



шунингдек иш берувчиларнинг ишга жойлашиш учун номзодларга қўйиладиган малакавий ва бошқа талаблари тўғрисидаги холис,

шаффоф ҳамда долзарб ахборотни шакллантиришни;

меҳнат ресурсларининг, шу билан бирга, меҳнат ресурсларининг тоифалари тўғрисидаги маълумотларнинг вақти-вақти билан янгилиниб туриладиган балансини шакллантиришни;

меҳнат муносабатлари ва меҳнат муҳофазасининг, ишга жойлаштириш дастурлари амалга оширилишининг ўтказиладиган текирувлари, иш ўринлари аттестацияси, шунингдек Меҳнат муҳофазаси соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг ягона реестрига тегишли маълумотлар (ахборот) тўлиқ жойлаштирилишини экспертизадан ўтказиш натижалари мониторингини юритишни;

вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетаётган фуқароларни онлайн рўйхатдан ўтказиш имконияти, уюшган меҳнат миграцияси тўғрисидаги келишувга асосан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишга жойлаштирилган фуқаролар ҳақида маълумотлар базасини яратишни;

меҳнат бозорининг, ишчи кучига бўлган талаб ва тақлифнинг ривожланиш прогнозларини шакллантиришни;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари

вазирлигининг амалга оширилган ва амалга оширилиши

режалаштирилаётган ахборот ресурсларини ўйунлаштиришни. «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини юритиш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан амалга оширилади.

115-модда. Меҳнат стажини электрон тарзда ҳисобга олиш

Ҳар бир ходимнинг меҳнат стажи (шу жумладан лавозим мавқеи, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даврлари, меҳнат таътилларида бўлган вақт ва узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар) тўғрисидаги маълумотлар иш берувчилар томонидан маҳаллий меҳнат органларига тақдим этилади.

Фуқароларга меҳнат фаолияти ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича давлат интерактив хизмати ЯИДПХ орқали тақдим этилади.

116-модда. Шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-таъминот комплексида фойдаланиладиган шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

19-боб. Яқунловчи қондалар

117-модда. Аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига rioя этилиши устидан давлат назорати

Аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига rioя этилиши устидан давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, бошқа давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

118-модда. Низоларни ҳал этиш

Аҳоли бандлиги соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

119-модда. Аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

120-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

1. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, I-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 2, 47-модда, № 5, 261, 267-моддалар, № 12, 880-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 65-модда:

биринчи қисмининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ишсизлик нафақаси ўн икки ойлик давр ичида кўпи билан йнғирма олтти календарь ҳафта давомида тўланади»;

2) 66-модданинг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ишсизлик нафақасини тўлаш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТИЛ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш; давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нўтқ маданиятини ошириш; давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш; давлат тилининг халқорик микёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий халқорик алоқаларини ривожлантириш; мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва эллар тилларини ривожлантириш мақсадида кенг ва тенг имкониятлар ҳамда уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

б) 2020 — 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштиришнинг концепциясини 2020 — 2022 йилларда амалга ошириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 2-иловага мувофиқ;

в) 2020 — 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари (кейинги ўринларда — Асосий йўналишлар) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин. 2. Белгилансинки, Асосий йўналишлар қуйидагиларни назарда тутди:

а) таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш соҳасида;

2025 йилга қадар давлат мактабгача таълим тизимида амалдаги мактабгача таълим муассасаларининг ҳудудларини кенгайтириш ёки янги қуриладиган муассасалар ҳисобига ўзбек тили гуруҳлар қамровини 72 фоизга, 2030 йилгача эса 80 фоизга етказиш;

2030 йилга қадар умумтаълим мактабларида ўқув йиллари учун таълим ўқув режаларида ўзбек тили фанини ўқитиш кўламини амалдаги ҳафтада 84 соатдан 110 соатгача ошириш;

олий таълим муассасаларида ўзбек тили кафедралари сонини 2025 йилга қадар 120 тага, 2030 йилгача эса 140 тага етказиш;

б) давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нўтқ маданиятини ошириш соҳасида;

лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида "Ўзбекистон миллий қомуси" жилдларини нашр этишни бошқичма-бошқич қўлайтириб бориш;

2020 йилда ўзбек тилининг лугат бойлигини оширувчи 15 та лингвистик, соҳавий-терминологик, изоҳли лугатлар яратиш; телерадиоканаллар суҳбондон-бошловчиларининг ўзбек адабий тилидаги нўтқ маданиятини оширувчи қайта тайёрлов курсларида ўқитиш тизимини жорий этиш ва қамровини 2030 йилгача 100 фоизга етказиш;

в) давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига интеграциялашувини таъминлаш соҳасида;

2025 йилга қадар давлат тилида соҳавий иш юритиш ҳужжатларининг ягона электрон намуналарини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш учун 14 та онлайн дастур ишлаб чиқиш, 2030 йилгача эса ушбу кўрсаткични 25 тага етказиш;

дастурий махсуслаштирилган ўзбек тили ва электрон лугат дастурларини яратиш;

хорижликлар учун ўзбек тилини ўргатувчи дастурлар яратиш; г) давлат тилининг халқорик микёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий халқорик алоқаларини ривожлантириш соҳасида;

2030 йилга қадар хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тилини ўргатувчи марказлар сонини амалдаги 17 тадан 60 тагача қўлайтириш;

2025 йилга қадар "Ўзбек тилининг дўстлари" клублари сонини 30 тага, 2030 йилгача эса 40 тага етказиш;

хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тили курсларини зарур илмий, ўқув-ўқувий, бадиий адабиётлар билан таъминлаш, ўзбек тилини ўргатишга доир илмий тадқиқотлар микдорини ошириш.

3. Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов) уч ой муддатда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтишни таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳини ташкил қилсин ва аниқ чора-тадбирлар ҳамда уларни молиялаштириш манбалари ва ҳаҷмларини назарда тутувичи "Ўй ҳаритаси"ни ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясига киритсин.

4. Белгилансинки: 2021 йил 1 апрелдан бошлаб ўзбек тили ва адабиёти бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизими асосида раҳбар кадрларнинг давлат тилида расмий иш юритиш даражаси аниқланди;

2020 йилга қадар давлат тилида иш юритиш даражаси аниқланди; 2020 йилга қадар давлат тилида иш юритиш даражаси аниқланди;

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида ўзбек адабий тили меҳрлари ва давлат тилида иш юритиш бўйича қисқа муддатли (1-2 ойгача) ўқув курслари мунтазам равишда ташкил этилади.

Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлиги ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда мазкур банднинг иккинчи хатбосида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Фанлар академияси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзбек тилидаги мавжуд лугатлар асосида узлуксиз таълимнинг барча турлари учун қуйидаги ўқув лугатларини яратиш чораларини қўрсин, шу жумладан:

қўп жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"нинг тўдирилган янги нашри (кирилл ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида);

"Ўзбек тилининг имло лугати"; "Ўзбек тили синонимлари лугати"; "Ўзбек тили синонимларининг катта изоҳли лугати"; "Ўзбек тили фразеологизмларининг катта изоҳли лугати"; "Ўзбек тили омонимлари лугати".

Мазкур бандда қўрсатилган чора-тадбирларни молиялаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жағғармаси маблағлари йўналтирилсин.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: олий таълим муассасаларининг филология таълим йўналишларида "Компьютер лингвистикаси", "Амалий филология" йўналишларини ташкил қилсин;

Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тили марказлари фаолиятини йўлга қўйсин;

Ўзбек тилига оид барча илмий, назарий ва амалий маълумотларни ўзида жамлаган электрон кўринишдаги ўзбек тили миллий корпусини яратиш чораларини қўрсин;

Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар йили 1 декабрда қадар Дастурда ва Асосий йўналишларда белгиланган топшириқлар юзасидан амалга оширилган ишларни пухта таҳлил қилиш асосида Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб бориш.

7. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда ўзбек тилидан ҳаётнинг етакчи хорижий тилларига ва хорижий тиллардан ўзбек тилига таржима қилувчи компьютер дастурини Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жағғармаси маблағлари ҳисобидан яратиш чораларини қўрсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда тизимдаги ахборот-тахлилий, маънавий-маърифий ва маданий-гуманитар телеканалларини хорижий давлатларда телерадиокомпаниянинг ОТТ платформасини (Интернет тармоғи орқали теледустурларни намойиш этиш тизими) Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жағғармаси маблағлари ҳисобидан ишга тушириш ва бошқа замонавий информацион технологиялардан фойдаланган ҳолда намойиш этилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари бўлиминининг "O'zbekiston" телеканалда юртимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элларнинг тиллари, урф-одатлари ва аъёнларини тарғиб қилувчи, мамлакатимизга оид ахборот-тахлилий, маънавий-маърифий, маданий-гуманитар билим доирасини кенгайтиришга хизмат қилувчи ва интеллектуал ҳамда бошқа маълумотларни хорижий тилларда (Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллатлар

тилида) ёритадиган "Do'stlik" ахборот-маърифий дастурлар тахририятини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин. Белгилансинки, "Do'stlik" ахборот-маърифий дастурлар тахририяти Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига ажратиладиган бюджет маблағлари ва қўйи ташкилотларнинг мавжуд штат бирликлари доирасида ташкил этилади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси манфаатдор ташкилотларни жалб қилган ҳолда 2021 йил 1 январдан бошлаб марказий телеканалларда "Тилга эътибор", "Она тилида сўзлашамиз", "Нотиклик маҳорати", "Тил — миллат кўзгуси", "Қитоб билим манбаи", "Билимли ёшлар — келажак бунёдкори" каби туркум қўрсатув ва эшиттиришларни ташкил қилиб, мунтазам равишда эфирга узатиб борилишини таъминласин.

9. Мазкур Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджетте, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жағғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жағғармаси, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқорик молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзлари) ва грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

10. Қуйидагиларга: Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаментига — Концепция ва Дастурни амалга ошириш ҳамда Асосий йўналишларга эришиш борасида давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мониторинг қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига — Концепция, Дастур ва Асосий йўналишларда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, сифати ва тўлиқ бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Ш.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2020 йил 20 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ҒАЙРАТДИН ХОЖАНИЯЗОВ



Мамлакатимиз илм-фани оғир жудодликка учради. Археология соҳасидаги атоқли олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Ғайратдин Хожаниязов шу йил 19 октябрда 72 ёшида вафот этди. Ғ.Хожаниязов 1948 йили Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзақ туманида туғилди. Урта мактабни тугатгандан сўнг жамоа ҳужумчида ишчи бўлиб хизмат қилди. 1972 йилда Нҳус давлат педагогика институтини тугатиб, ўз илмий фаолиятини Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг Тарих, археология ва география институтига тадқиқотчи сифатида бошлади. Сўнгра ушбу филиал аспирантурасида таҳсил олиб, тарих фани бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Таниқли олим ўзининг қарийб 50 йиллик илмий фаолияти давомида Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг Тарих, археология ва география институтининг кичик ва катта илмий ходими, Қорақалпоғистон тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти раиси, Тарих, археология ва география институтининг археология бўлими мудирини, Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг археология бўлими мудирини каби лавозимларда самарали меҳнат қилиб, мамлакатимизнинг қадимий тарихи, археологик ёдгорликларини чуқур ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш, юксак малакали илмий кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўлди.

Археология соҳасида ўзининг илмий мактабини яратган захматкаш олимнинг ўнлаб илмий тадқиқотлари, монография ва қўланамалари, жумладан, "Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари", "Қорақалпоғистоннинг ажойиб етти эсдалиғи" сингари асарлари нафақат юртимиз, балки чет эл илмий-маданий жамоатчилиғи ўртасида ҳам яхши маълум. Унинг раҳбарлиғида олиб борилган археологик изланишлар натижасида қадимий Хоразм маданиятига оид, Марказий Осиёдаги энг қадимий ҳисобланган девор суратлари топилди ва тадқиқ этилди. Фидойи олим Қорақалпоғистон — Австралия халқорик археологик экспедициясининг етакчиларидан бири эди. Ғ.Хожаниязов жонқур педагог сифатида ўнлаб истеъдодли олимларга устозлик қилди.

Ғ.Хожаниязовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги кўп йиллик самарали хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Меҳнат шухрати" ордени ва Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан мукофотланган эди. Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарини ва самимий инсон Ғ.Хожаниязовнинг хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади. Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВА, Н. ИСОИЛОВ, А. АРИПОВ, М. КАМАЛОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ

ПАРЛАМЕНТ СЎРОВЛАРИ НАТИЖАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

Бундан ташқари, Жиззах вилояти ҳокимининг ҳудудларини ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботини эшитиш ҳам назарда тутилган. Қолаверса, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашдаги муаммолар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилиши режалаштирилган. Шу билан бирга, қийноққа солинган ва бошқа шафқатсиз, гайринишоний ёки кадр-қимматини камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ жиноятлар содир эти-

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлиси олдида ҲОКИМ ҲИСОБОТИ ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини қўлайтиришга қўмақлашувчи комиссиясининг видеоконференцалоқа тарзида мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиса парламент юқори палатасининг саккизинчи ялпи мажлиси олдида бўлиб ўтди. Мажлисада парламент юқори палатасининг саккизинчи ялпи мажлиси олдида бўлиб ўтди. Мажлисада парламент юқори палатасининг саккизинчи ялпи мажлиси олдида бўлиб ўтди.

БУГҮН ПАРЛАМЕНТ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИНING САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Унда, жумладан, "Кимматбаҳо металллар ва кимматбаҳо тошлар тўғрисида"ги; "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги; "Жамоат ҳавфсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги; "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар кўриб чиқилди.


19,9 трлн. сўм микдоридаги 855 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган эди. Давлатимиз раҳбарининг Жиззах вилоятига ташрифи давомида тасдиқланган дастур доирасида 2019-2020 йиллар мобайнида умумий қиймати 3,0 трлн. сўм бўлган 510 та лойиҳа ишга туширилган. Натижада 8 минг 342 та янги иш ўрни яратилган. Яна қўшимча равишда қиймати 4,4 трлн. сўмлик 159 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоятдаги оғир шароитда яшаётган 1 минг 861 нафар хотин-қизнинг турмуш

даражасини яхшилаш ишлари рўйбга чиқарилмоқда. Шунингдек, мажлисда мактабгача таълим, халқ таълими, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратилди. Қолаверса, мажлисда вилоятни ривожлантириш борасидаги айрим камчиликларга ургу берилди. Жумладан, тоза ичимлик сувини етказиб беришда ҳанузгача сўтқанин маълум вақтларда Арнасой, Дўстлик, Зафаробод ва Форш туманларида узиллилар қузилмоқда. Бу эса аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ — АМАЛДА

Кеча парламент қўйи палатасида Норма ижодкорлиғи фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича комиссиянинг видеоконференция тарзидаги навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Комиссия аъзолари, депутатлар, сенаторлар, Президент Администрацияси, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, шунингдек, норма ижодкорлиғи фаолиятига дахлдор давлат органларининг масъул ходимлари ҳамда журналистлар қатнашган йиғилишида Президентимизнинг "Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ва самарали ижросини ташкиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.



ШҲТга АЪЗО ДАВЛАТЛАР БОШ ПРОКУРОРЛАРИNING МАЖЛИСИ

20 октябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Бош прокурорларининг ўн саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган мажлисга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Нигматилла Йўлдошев раислик қилди. Тадбирда ШҲТга аъзо, кузатувчи ҳамда мулоқот бўйича шерик давлатлар бош прокурорлари, шунингдек, ШҲТ Бош қотиби Владимир Норов, ШҲТ Минтақавий асилтерров тузилмаси (МАТТ) ижроия қўмитаси директори Жумахон Ғиёсов, Халқорик прокурорлар ассоциацияси президенти Чхол-Кю Хван иштирок этди.

Мажлисда қайд этилганидек, ШҲТ умумий манфаатларини ҳимоя қилишининг самарали тизимидир. Яхши қўнчилик ва дўстликни мустаҳкамлаш, минтақадан тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ушбу нуфузли тузилма муҳим роль ўйнамоқда.

Ташкил этилгандан буён ШҲТ давлатлари ўртасида ўзаро хурмат, тушуниш, юқори даражадаги ишонч ва биргаликда қарор қабул қилиш руҳи шаклланди. Жумладан, қоронавирус пандемиясига қарши курашда ташкилотга аъзо давлатлар бирдамлиги ва ўзаро қўллаб-қувватлашининг юқори даражаси — "Шанхай руҳи" яққол намоён бўлди.

ШҲТ давлат раҳбарлари кенгаши саммитларида жиноятчиликка қарши кураш, жумладан, ташкилотга аъзо, кузатувчи ва мулоқот бўйича шерик давлатлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш орқали савий-харакатларини бирлаштириш зарурлиги таъкидлаб келинган.

Шу нуқтага назардан, мазкур анжуманда кузатувчи ва мулоқот бўйича шерик давлатлар Бош прокуратуралари вакиллари иштирок этиши ШҲТ доирасида ҳуқуқий соҳада идораларо ҳамкорликни янада ривож-

лик амалиётига киритилаётган айрим ўзгартиришларни янги қонунчи қабул қилиш билан бир вақтинг ўзида амалга ошириш, миллий қўнчилигимизда "қўнчилик", "қўнчилик ҳужжати" ва "қўн ҳужжати" тушуначларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнида алоҳида белгилаш зарурлиги қайд этилди.

Комиссия томонидан "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини пихта, пухта ва ўз вақтида ишлаб чиқиш мақсадида чора-тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўлиқ хатловдан ўтказилган, натижада бугунги кунда 462 та ана шундай турдаги ҳуқуқий ҳужжат, вазирлик ва идораларнинг 534 та маъмурий-ҳуқуқий функцияси мавжудлиғи аниқланган. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш учун идораларнинг эксперт-ишчи гуруҳи ташкил этилиб, унда илгор хорижий мамлакатларнинг бой тажрибасини ўрганиш асосида қонун лойиҳасини 2021 йилнинг январь ойига қадар тайёрлаш белгилаб олинди.

Қизгин муҳокамалар якунида Норма ижодкорлиғи фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш борасидаги ишларни янада қўлайтириш ҳамда келгусида бажарилиши лозим бўлган вакиллар буйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

лантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Прокуратура органлари ўрта-сидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик умумий мақсадга эришиш, яъни ШҲТ мақомида қонун устуворлиги ва ҳуқуқ-тартибни таъминлашнинг муҳим омилдир.

Коррупцияга қарши кураш доимий равишда дунё ҳамжамияти, хусусан, ШҲТ давлатлари учун ҳам долзарб масала экани инобатга олиниб, тадбирда мазкур иллатга қарши кураш бўйича самарали механизмлар муҳокама қилинди, айни йўналишда ўзаро тақлибчи алмашилди. Соҳадаги мавжуд муаммолар конструктив равишда муҳокама қилиниб, тегишли масалалар ечимини бўйича ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган устувор чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлис иштирокчилари яқдиллик билан қайд этганидек, Бош прокурорларининг кенг қўламини ишлар бўйича биргаликдаги савий-харакати, ташаббуслари халқорик майдонда ШҲТ бўлиши, глобал давлатимиз янада оширишга хизмат қилади.

Бинобарин, минтақавий ва глобал сибсатни шакллантириш механизми сифатида дунё аҳолисининг яримдан қисмини бирлаштирган ШҲТнинг Европиси минтақасида ҳавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашдаги ўрни мустаҳкамланиб бормоқда.

Мажлис тўлиқ ўзаро аниқлашув руҳида, дўстона муҳитда ўтди. Йиғилиш якуни бўйича имзоланган Баённомада кун тартибидеги асосий масалалар бўйича ҳамда ШҲТга аъзо давлатлар Бош прокурорларининг ўн тўққизинчи мажлисини 2021 йил Хиндистон Республикасида ўтказиш тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.

ГУРУРИМИЗ, ШАРАФ-ШОНИМИЗ

Бу йил ўзбек тилининг макъеи яна бир поғонага кўтарилганининг гувоҳи бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги чиқиши, юксак минбарда она тилимизда нутқ сўзлагани барчамизнинг қалбимизни гурур-ифтихорга тўлдирди. Қолаверса, бу ўзбек тилининг давлат тили мақомидаги нуфузини мустахкамлаш борасидаги давлатимиз сиёсий иродаси нақадар қатъий ва изчил эканини намоян этди. Мазкур нутқ дунё ҳамжамиятининг ҳам катта қизиқишга сабаб бўлди.

Маълумки, 1989 йил 21 октябрь куни қабул қилинган Қонунга асосан, ўзбек тили мамлакатимизда давлат тили мақомига эга бўлди. Ушбу санадан ўттиз йил ўтиб бу борада яна бир қутлуғ қадам қўйилди. 2019 йил 21 октябрь куни Президентимизнинг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва макъени тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжат ўзбек тилининг ўрни ва макъени янада оширишга доир қўллаб доғдир вазифаларни назарда тутилган билан аҳамиятлидир. Унга биноан 21 октябрь санаси юртимиз-

да "Ўзбек тили байрами куни" эътибор белгиланди. Она тилимиз фидойилари, бутун халқимиз бу хушбахона катта хурсандчилик билан қарши олди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда ўзбек тилининг макъени ошириш борасида қўллаб ишлар амалга оширилмоқда. Белгиланган вазифалар ўз самарасини бераётди. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги қарори билан давлат органлари, вазирликлар ва уларга тенглаштирилган

ташкilotларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими ташкил қилинди. Адлия вазирлиги томонидан давлат органлари ҳамда ташкilotларда давлат тилида иш юритишга доир қонунчилик талабларига риоя этмаганлик учун маъмурий жавобгарлик киритиш тўғрисида қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига кўйилди.

"Давлат тилида иш юритиш" амалий қўлланмаси нашр этилгани ўзбек тилининг янги замонардаги жуда катта тарихий-маданий ғалабаси бўлди. Шунингдек, Давлат тилини ривожлантириш департаменти Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (ҳозирги Кадастр агентлиги) билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикаси география

объектлари номларининг давлат тилида ёзилиши йўриқномаси" ҳамда "Қорақалпоғистон Республикаси география объектлари номларининг ўзбек тилида ёзилиши йўриқномаси" каби амалий қўлланмаларини ҳам тайёрлади. Бу ишлар жамоатчилик муҳокамасига кўйилди. Шунга қарамай, ҳали олдимизда ҳал этилиши лозим бўлган қўллаб вазифалар бор. Хусусан, бугунги кунда давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, интернет ҳаётини ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди.

Дунёда илм-фан, интернет ривожланган даврда, табиийки, четдан турли атамалар, бошқа тилга оид сўзлар, иборалар ҳам кириб келмоқда. Шундай шaroитда тилимиз софлигини сақлаш, кириб келётган янги тушунча ва атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун алоҳида қўлланмалар яратиш, уларни халқимизга етказиш талаб этилади. Таълим тизимининг барча бўғинида давлат тилини ўқитиш сифатини ошириш зарур. Ким қайси йўналишда ва қайси тилда ўқимасин, аввало, давлат тилини муқамал биладиган кадрлар бўлиб етишиш керак. Давлат тилини ривожлантириш департаменти ана шундай вазифалар ижроси, она тилимизнинг макъенини ошириш йўлида бор имкониятини ишга солади.

Абдуғаффор ҚИРГИЗБОВ, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти мудири.

Эътироф

МЕН БУ ТИЛНИНГ «АСИРИ»ГА АЙЛАНДИМ

АҚШлик олимлар юртдошларимизни байрам билан табрикламоқда.

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни муносабати билан хориқлик мутахассислар ҳам халқимизга ўзларининг самимий табриқларини йўлламоқда. Бу ҳақда Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси маълум қилди. Қуйида ана шу дил сўзларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Марк РИЗ, АҚШ ҳарбий-денгиз академияси Минтақавий тадқиқотлар марказининг собиқ директори, ёзувчи:

— Ўзбекистонликларни Ўзбек тили байрами куни билан чин қоракдан муборакбод этаман. Уйламанки, мен Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романини инглиз тилига таржима қилганимдан кўнглим хабардор. Ўзбек тили менинг ҳаётимга жуда катта таъсир қўриётган. 1994 йил Қўқон шаҳрида яшаган давримдан бошлаб шу тилни ўрганишман. Шу ўринда айтишим жоизки, сўнгги 26 йил мобайнида ўзбек тили мени бутунлай ўзига мафтун этди. Мен бу тилнинг "асири"га айландим. Ўзбек урф-одатларини, мамлакатининг тарихини, маданиятини ва диний таълимотини ўзбек тилини чуқур билиш орқалигина ўрганиш мумкин. Шунинг учун ҳам ўзбек тили ҳаётимда алоҳида из қолдирган. Насиб этса, келгуси йил Тошкентга бориб, ўзбек тилини янада чуқурроқ ўрганишни ният қиламан. Шу билан бирга, Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" асарини таржима қилиш асосий режаларимдан бири. Ўзбекистонни, ўзбеклар билан бир дастурхон ортифида ўтириб чой ичиб, суҳбатлашни жуда соғиндим. Яна бир бор байрамнинг муборак бўлсин!

Скотт ЛИВАЙ, Огайо давлат университети Тарих ҳамда Яқин Шарқ тиллари ва маданияти кафедралари мудири:

— Менинг Ўрта Осиё тарихи соҳасидаги иланишларим теурирлар даврдан до XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврни ўз ичига олади. Илмий иланишларим натижаси ўлароқ бир неча китобим нашр этилди. "Ўрта Осиёда хунд савадогарлари тарихи", "Қўқон хонлиги" ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўзбекистонга илк мартабта 1995 йилда борганман. Шундан кейин серқуёш юртингизда бир неча бор бўлдим. Дастлаб мамлакатингиз пойтахтидаги Халқлар дўстлиги майдони атрофида яшаганман. Нокаментарлик бўлса-да, ўзбек тилини жуда киска вақт давомида ўрганишим билан мактансан эрийди. Ўзбек тилини илк бор ўзим ўқиган университетда ўргандим. Кейинчалик Тошкентда малакали ўзбек ўқитувчиларидан сабоқ олдим. Ўзбек тилида сўзлашиш тажрибасини бойитиш учун "Олоқ" ва "Чорсу" бозорларидаги савадогарлар билан кўпроқ гаплашишни хуш қўридим. Менга уларнинг қишлоқдаги ҳаёти ҳақида билиш жуда қизиқ бўлган. Албатта, шу баҳонада сархил мевалар, пиллоқ, дудланган гўшт ва баъзан қабоб, палов, лармондан ҳам татиб қуриш имкониятига эга бўлар эдим. Хозирги кунда Огайо давлат университетида ўзбек тилидан дарс бериб келмоқдаман. Шунингдек, ўзбек тилининг тарғиботи билан шуғулланяман. Мен бу шарафли вазифадан бахтирман. Ва албатта, Ўзбекистонга яна сафар қилишдан умидворман. Фурсатдан фойдаланиб, халқингизни Ўзбек тили байрами куни билан табриқлайман!

«Халқ сўзи».

Дил изхори

Ўзбек тили байрами қутлуғ бўлсин!

Цзян Янь, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси:

21 октябрь — Ўзбекистонда кенг қўламада нишонланган ўзбек тили байрами. Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқини ушбу байрам билан муборакбод этаман!

Тил — ҳар бир миллатнинг ўзлигини англаш ва маданий ҳамада маънавий қадриятларининг асоси ҳисобланади. Файласуфлар бежиз "Бир мамлакатнинг маданиятини ўрганмоқчи бўлсанг, унинг тилини ўрган", деб таъкидламаган. Тил инсонларга ўргатади, таълим беради ва уларнинг аниқана ҳамда урф-одатларини сақлаб боради. Она тили — авлодларни, асрий тарихни, болар донишмандлиги ва маданий уюқларни боғлаб турувчи риштадир.

Ўзбек тилининг тарихи ҳам бошқа халқларнинг тиллари каби халқнинг қўл асрилик тарихи билан узвий боғлиқ. Унинг кенг имкониятлари, бойлиги, ранг-баранглиги ва жозибадорлигини юксак адабиётнинг бетақор намуналарини яратган буюқ шоир ҳамда мутафаккир Алишер Навоий очиб берди. Ўзбек тилида, шунингдек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Қодирий, Эркин Воҳидов ва бошқа шоир ҳамда ёзувчиларнинг маданий намуналари, бадий дурдона асарлари яратилди. Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси бўлиш асосида менда чуқур таассурот қолдирган шундай асарлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдим.

«Халқ сўзи».

Чихо МИАЗАКИ:

ЎЗБЕК ТИЛИНИ БИЛГАН ЯПОН БОЙ МАЪНАВИЙ ХАЗИНА ТОПГАНДЕК БЎЛАДИ

"Қадринг баланд бўлсин, она тилим!" халқро танловини ўзбек тилининг хориқдаги тарғиботчиши йўналишида учинчи ўрин соҳиби, "Буюқ Ипак йўли" жамияти асосчиси, "Японлар учун ўзбек тили қўлланмаси" китоби муаллифи, профессор Чихо Миязаки "Дунё" ахборот агентлигига эксклюзив интервью берди. — Бугун мен жуда бахтирман, — леда уни олимаси. — Ўзбекистонда эълон қилинган "Қадринг баланд бўлсин, она тилим!" халқро танловида қатнашганим ва унда совриндорлар қаторидан ўрин олганимдан мамунман. Албатта, фаолиятим юқори баҳолангани менга катта масъулият юқлайди. Бу мен учун жуда катта шарафдир.

Киришдим. Ушбу рисола тизимли формуларга солиб, японлар учун қўлай ўрганиш услубини яратдим.

Бу китоб Япониянинг нуфузли нашриётларидан бирида чоп этилди. У илк қадам сифатида мен учун ўзига хос маънавий озуқа бўлди. Умид қиламанки, кейинчалик япон тадқиқотчилари бу ишни давом эттириб, уни янги босқичга қўрилади.

Япон тилида ҳурмат шаклидаги сўзлар кўп десам, ўзбек тили ҳам ундан қолишмас экан. Масалан, "ижозат берсангиз", "руҳсат берсангиз" каби ўзбек тилидаги ибораларнинг ишлатилиши япон тилига жуда яқин. Грамматик жиҳатдан ўзбек ва япон тиллари бир-бирига ўхшайди. Шубҳасиз, ўзбек тилини билган япон бой маънавий хазина топгандек бўлади.

Ўзбек тилини тингласам, ўзимни гўё кўна Буюқ Ипак йўли замонларида юргандек ҳис қиламан. Ўзбекистон — менинг тақдирим. Ўзбек дўстларим менинг катта бойлигим ва улар билан боғлиқдиган ўзбек тили эса ҳалол одамлар яшайдиган дуненинг қалитидир.

«Дунё» АА.



ЧИН СЎЗ — МЎЪТАБАР, ЯХШИ СЎЗ — МУХТАСАР

Кўнгул дуржи ичра гуҳар сўздур, Башир гулшинда самар сўздур.

Алишер НАВОИЙ

Ақл кўрки сўзидир ва тил кўрки сўз, Киши кўрки юзидир, бу оз кўрки кўз.

Юсуф Хос ҚОЖИБ

Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак — миллатнинг руҳини йўқотмақдур.

Абдулла АВЛОНИЙ

Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз, Унда миллат яшар, унда тил яшар!

Абдулла ОРИПОВ

Ўз она тилини севмаган, тил замирида ётган тарихни билмаган, қизикмаган одам баркамол саналмас. У ким, қайси юрт ва қайси миллатга мансуб эканидан, ўз она тилининг боқ камбағаллиги, майин ё дағаллигидан қатъи назар, ўз тилин ўз Ватанингдек азиз, ўз онангдек табарруқ.

Эркин ВОҲИДОВ

Ўзбек тили нафақат қадимий тил, у гоётада нафосатга бой тил, у хар қандай маънони энг нозик, энг инжу қатламлариғача ифодаб бера оладиган, ўзининг гўзаллиги билан одамга завқ-шаўқ улаша оладиган, баҳридиллини очиб, гўзаллик туйғусини қондира оладиган тил.

Озод ШАРАФИДДИНОВ

Тил халққа бир умрга берилади, уни ўзгартириб ҳам, йўқотиб ҳам бўлмайди.

Расул ҲАМЗАТОВ

ТИЛ — ЎЗЛИГИМИЗ, ТАРИХИМИЗ, БУГУНИМИЗ ВА КЕЛАЖАГИМИЗ

Мамлакатимизда 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни эътибор белгиланган нафақат ўзбек халқини, балки миллатидан қатъи назар, барча юртдошларимизни беҳад хурсанд қилди. Зеро, Ватанимизда ўзга миллат вакили бўлса-да ўзбек тилида равон сўзлайдиган ҳамюртларимиз жуда кўп. Улар ўзбек тилини давлат тили бўлгани учун ҳурмат қилиши билан бирга, тилни дил қалити, ҳамжиҳатлик тимсоли сифатида қадрлайди, эъзозлайди. Бунинг қуйидаги юртдошларимизнинг дил сўзларидан ҳам англаш мумкин.

«Халқнинг бебаҳо мулки»

Агрипина ШИН, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазир:

— Мамлакатимизда 21 октябрь санасининг Ўзбек тили байрами куни сифатида кенг нишонланиши Ўзбекистон фукароси, шу халқнинг бир вакили сифатида мени ҳам ниҳоятда хурсанд қилди. Давлат тили халқимизнинг руҳини кўтарди, бирдамлигини, жипслигини оширди. Ушбу байрам барча юртдошларимизнинг қалбларида қувонч ва гурур ҳисларини уйғотди, чунки ўзбек тилида буюқ аллоамларимиз бўлган — Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Абдурауф Фитрат ҳамда Абдулла Қодирий сўзлашган ва ижод қилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйилгани тубайли ўзбек тили мамлакатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланган.

Кейинги йилларда ўзбек тилининг ҳаётимиздаги ўрни, жамиятдаги макъеи юксалиб бормоқда. Уни тун маънодаги миллий қадриятга айлантириш борасида кенг миқёсдаги ишлар амалга ошириляпти.

Бугун турли даражадаги расмий учрашув ва музокарадаги тилимизнинг ўрни ҳамда аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Нуфузли халқро аюнамалар ва тадбирлар давлат тилида олиб бориляпти.

Баъзан турли тадбирларда ўзбек тилида сўзласам, кўнглим хайрон бўлиб қоқишади. Аслида, бу ҳеч қандай хайратланарли ҳолат эмас. Чунки Ватанимизда ўзбек тили — давлат тили, уни ўрганиш ва истифода этиш учун барча

шарт-шaroит яратилган. Шу билан бирга, хар бир миллатнинг ўз она тилида сўзлашиш ҳуқуқи ҳам қонун билан қамоланган. Зеро, тил миллатнинг жони бўлса, халқнинг бебаҳо мулкидир.

Давлат тили қанчалик ривож топса, халқимизнинг маънавияти шунчалик юксак бўлади.

Халқимизни 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

«Қонимга, қалбимга алла билан сингган»

Виктор ПАК, Ўзбекистон Корейс маданият марказлари уюшмаси раиси:

— Ўзбек тили қонимга сут билан кирган... Икки ойлик чақалоқимизда бобом ва бувимнинг қўлида қолганман. Мен туғилиш Бекобод туманидаги мўъжа қишлоқда одамлар ўзбекона урф-одатлар, қадрлиқ руҳида, ўзаро аҳил-иноқ яшаширдилар. Бувимнинг айтишича, сигир ушун тили меъдаси кўтаролмай, озиб-тўзиб, рамаққон бўлиб қолган гўдакни қўнишимиз Тўхтақон опа ўз кучоғига олган, эмиздиран...

Шундай қилиб, ўзбекча алла эшитиб, эртак тинглаб, ақлимни танидим. Дўстларимнинг асарияти ўзбек болар эди. Ҳатто рус тилини яхши билмаганим учун (чунки бобом ва бувим, асосан, корейс тилида сўзлашарди) дастлаб рус мактабига ҳам олишмаган...

Бугун ўзбек тилида эркин сўзлашаман, уни она тилимни севганимдек севаман, ардоқлайман. Оила аъзоларим, фарзандларим ҳам корейс, рус, инглиз тиллари билан бирга, давлат тилида беомал гаплаша олишди. Миллатимиз корейс бўлса-да, ўзбекона характер, ўзбекона маданият ва албатта, ўзбек тили қалбимиздан чуқур жой олган, руҳимизга сингган.

«Миллатим қозоқ бўлса ҳам ўйларим ўзбекча»

Расул КУШЕРБАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Гарчи оиламизда, қариндошлар ва кўпга дўсту биродарларим билан ўзаро мулоқотда ўз она тилимизда сўзлашсам-да, ўзбек тили ҳаётимнинг ажралмас бўлагига айланган қолган.

Мен ўзбекча характер, билим ва иқтидор соҳиблари бўлган кўпга ўстозларимнинг ўзбек тилида таълим-тарбиясини олдим. Ижодимнинг илк намунаси ўзбек тилида, илк мустақил ишлар ўзбек тилида, жамоатчилик олдидидаги илк чиқишим ҳам шу тилда бўлган. Ватан, ватанпарварлик, фидойилик, меҳнат, гурур, ор-номус каби улғувор тушунчалар моҳиятини ўзбек тили тимсолида англадим, ўзбекча мулоқот ҳамда мунозаралар орқали теран тушундим. Ва бугун ҳам, асосан, шу тилда иланишлар олиб бормоқдаман. Шу сабаб баъзан дўстларим "сен қозоқ бўлсанг ҳам ўйларинг ўзбекча" деб қўйишади.

Шу кўнсага қандай натижага эришган бўлсам, бу ҳаётнинг менга берган бебаҳо тухфаси — ўзбек тилининг имкониятлари орқали деб биламан. Шу боисдан ўзбек тилини били туриб, унда мулоқот қилишдан ўзини олиб қочадиган ёки давлат тили ўзбек тили бўлса-да, бошқа тилларда ҳужжатлар ишлаб чиқилишини маққуллайдиганлар билан кўпична бахslashли қоламан. Чунки бундай ишлар давлат тилининг нуфузини тушириб, уни авлодларга бос-бутунлиқда, бор жозибаси билан етказишга ёрдам бермайди, балки аксинча ҳазмат қилади.

«Ўз тилини қадрлаган элнинг келажаги бардавон»

Одилога МИРЗОЕВ: Озарбайжон миллий маданият маркази Самарқанд вилояти бўлими раҳбари:

— Хар бир халқнинг миллийлигини англатувчи энг асосий белги,

бу — тил. Шундай экан, ўз тилини қадрлаган, уни улуғлаган элнинг келажаги бардавондир.

Мен 1976 йилда иш юзасидан Ўзбекистонга кўчиб келганман. 1986 йилдан буён Самарқандда яшайман. Тўрт нафар фарзандимнинг барчаси Ўзбекистонда туғилди. Ҳаммамиз Ўзбекистон фуқаросимиз.

Бугун Самарқандда 5 мингдан зиёд озарбайжон миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Биз ўзбеклар билан куда-анда бўлиб кетганмиш. Демак, бугунги тил байрами бизнинг ҳам байрамимиздир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўзаро ёзишмаларини ўзбек ва озар тилларида амалга ошириши мумкин эканлигини гурур билан айтишимиз мумкин.

Кўна тарих шодасида маржон ҳисобланган ўзбек халқининг буюқ фарзанди Алишер Навоий ҳам озар халқининг буюқ фарзанди Низомий Ганжавий каби Озарбайжонда улғуланади. Шундай экан, бу кунни факатгина ўзбек халқининг эмас, балки бутун туркий халқларнинг ҳам байрами дейиш мумкин.

Ниятим — Ватанимизда тинчлик, омонлик ва тотувлик абадий бўлсин.

«Мен ҳам шу юрт фарзандиман»

Олег ЗДОБНИКОВ, «Фаргонаазот» АЖ алоқа бўлими бошлиғи:

— Фаргона шаҳрида рус миллатига мансуб оилада улғайдим. Аммо болалигимдан маҳаллада тенгшод болалар билан бирга ўйнаб, ўзбек тилини яхши ўрганиб олганман.

Оилада деярли барчамиз ўзбек тилини биламиш. Хозирги кунда турмуш ўртоғим иккимиз фарзандимизга ҳам ўзбек тилини ўргатмоқдамиз. Ўн йилдан зиёд вақт мобайнида кўп миллатли корхонада ишлаб, ўзбекча қадриятларни ҳам яхши ўрганиб олганман. Чунки тўй ва маъракаларга доимо жамоадорлар бирга борамиз.

Айни пайтда сиртдан Тошкент ахборот технологиялари университети-

ти Фарғона филиалининг телекоммуникациялар факультетида ўқияман. Мақсадим — етуқ мутахассис сифатида юрт равнақиға муносиб ҳисса қўиши.

Бир гапни ҳамиша фурқ билан айтаман: мен ҳам шу юрт фарзандиман!..

«Қалбан ўзбекка айландим»

Нина УСТИНОВА, меҳнат фаҳрийси (Андижон шаҳри):

— 1989 йилда Ўзбекистон Республикасида ўзбек тилига давлат мақоми берилганида ҳаммадан кўра кўпроқ олқишлаганман. Босиш ҳар бир инсон қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар, ўзи истиқомат қилаётган мамлакатнинг она тилини, давлат тилини билиши шарт. Бугина эмас, шу халқнинг маданияти, турмуш тарзини ўрганиши, уни ҳурмат қилиши лозим.

Асли Россиянинг Кострома шаҳрида туғилганман. Миллатим рус. Тақдир тақозоси билан болалигимда Ўзбекистонга келиб қолдим. Ўзбеклар билан бир маҳаллада яшадим, бирга ишладим, уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлдим. Бунинг учун энг аввало, ўзбек тилини ўрганидим. Қалбан ўзбекка айландим.

Айни пайтда нафақаданан. Кечки пайтлар сайр қиларканман, беихтиёр Андижондаги иқобий ўзгаришлардан кўз қувнайди. Аммо баъз дўқонлар, кўнгличар масканлар, сартарошонлар пештоқидаги ўзга тилда ёзилган номларни ўқиб хайрон бўламан. Ахир шу номларнинг ҳам ўзбекча муқобили бор-ку! Бўлганда ҳам бир неча шаклдаги ифодаси мавжуд. Японияда, Хиндистонда, Жанубий Кореяда, Германияда ўзбек тилини ўргатувчи курслар фольет юритаётган бир пайтда нима учун биз шу юртда яшаб, ўзбек тилига бефарқ бўлишимиз керак?! Ахир бу тил бизнинг ўзлигимиз, тарихимиз, бугунимиз ва келажагимиз-ку!

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғига Т — 1056. 30 737 нусхада босилди, ҳажми — 5 табоқ, Ғофсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. Газетимиз ҳақидаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилиш. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-5255; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов. Мусахҳиҳ — С. Исламов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 00.35 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6